**БУГУНГИ СОНДА:**

Ёшлар - азиз Тожикистонимиз келажаги бунёдкорлари 3



Фармонлар ижросининг сўзсиз таъминланиши - жамият тараққиёти кафолати 5



Муборак Рамазон ойи арафасида бозорлардаги нарх-наволар қандай? 8


# ХАЛҚ ОВОЗИ

Тожикистон Республикаси Ҳукумати нашри | № 21 (20025) 2017 йил 25 май. | Газета 1929 йил феврал ойидан чиқа бошлаган


# ЁШЛАР КУНИГА БАҒИШЛАНГАН ТАНТАНА





**23 май куни Тинчлик ва миллий бирлик асосчиси - Миллат пешвоси, Тожикистон Республикаси Президенти муҳтарам Эмомали Раҳмон пойтахтнинг марказий стадионида Ёшлар кунига бағишлаб ўтказилган маданий тадбирда иштирок этди ва нутқ сўзлади.**

Дастлаб Давлат бошлиғи тантанали тадбирнинг барча иштирокчилари ва улар сиймосида мамлакатимизнинг барча бахтли ёшларини Ёшлар куни билан табриклади.

Миллат пешвоси мамлакат Ҳукуматининг ёшлар бунёдкорлик кучларини ҳамма томонлама қўллаб-қувватлашга доир ҳаракат ва интилишларини зикр этар экан, давлат ва Ҳукумат раҳбарияти мустақилликни қўлга киритган илк кунларданоқ давлат ёшлар сиёсатини ижтимоий соҳада истиқболли йўналишлардан бири ҳисоблашини қайд қилди.

Ёшлар сиёсати аҳамияти ва шакллантириш заруратини ҳисобга олган ҳолда, республика раҳбарияти томонидан бир қатор қонун ва давлат дастурлари, жумладан, Тожикистон Республикасининг "Давлатнинг ёшлар сиёсати тўғрисида"ги қонуни қабул қилинган.

Бу ташаббус давлатнинг жамият фаол қатлами, яъни ўсмирлар ва ёшларга нисбатан алоҳида қизиқиши ёрқин кўрсаткичи ҳисобланади.

Айнан республика Ҳукуматининг ташаббуслари ва доимий қўллаб-қувватлаши туфайли бугун ёшларимиз мустаҳкам ирода билан илм ўрганиб, касб ва ҳунар эгаллашаётгани, севимли мамлакатимизни ободонлаштириш ва ривожлантириш йўлида фаол ҳаракат қилишаётгани қайд қилинди.

Ўз чиқишида Давлат бошлиғи жамоатчиликни ёшларда юксак миллий, ватанпарварлик ва ўзига хосликни тарбиялашга вазифадор қилди.

Ўсмирлар ва ёшлар озод ва мустақил Тожикистон, гўзал ва жаннатмакон мамлакатда яшаётганликлари, ноёб маданият ва маънавият ворислари эканликларига шукрона тарзида Тожикистоннинг ҳар бир қарич ерини ўзлари учун муқаддас ҳисоблайдиган руҳда вояга етишлари зарур.

Сўзи охирида Миллат пешвоси муҳтарам Эмомали Раҳмон барча ёшларни байрамлари билан яна бир марта табриклаб, ёшлар бундан кейин ҳам аждодлар эзгу режалари ва ниятлари, қадимий тожик миллатининг минг йиллик орзуларини амалга татбиқ этувчилар сифатида Ватанга юксак масъулият, садоқат ва ифтихор билан хизмат қилишлари ҳамда яшашларига ишонч билдирди.

Ёшлар кунига бағишланган тантанали тадбир ранг-баранг концерт дастури билан давом этди. Тадбир иштирокчиларига ёшлар ютуқлари ва мамлакат ривожу равнақини ўзида акс эттирган концерт дастури намойиш этилди.

*«Ховар» ТМАА.*

## Ёшлар куни ва Миллий бирлик юбилейига бағишланган учрашув

Тожикистон Республикасининг Хитой Халқ Республикасидаги элчихонаси 2017 йилнинг Ёшлар йили, деб эълон қилиниши ва Миллий бирликка эришилганининг 20 йиллиги муносабати билан Пекин шаҳрида таҳсил олаётган тожикистонлик студентлар билан учрашув ўтказди.




Тожикистоннинг Хитойдаги элчихонасидан хабар беришларича, учрашувда элчихона раҳбарият ходимлари ҳамда тожикистонлик студент ёшлар томонидан Ватандан фахрланиш ва уни ҳимоялаш, Тинчлик ва миллий бирлик асосчиси – Миллат пешвоси, Тожикистон Республикаси Президенти муҳтарам Эмомали Раҳмон ҳамда Тожикистон Ҳукуматининг ёшларга нисбатан эътибор ва ғамхўрликлари қадрига етиш, тинчлигу бирлик ва мамлакат ютуқларини эҳтиром этиш, илм ўрганишу касб эгаллаш, давлат тараққиётига ҳисса қўшиш ва ҳушёрлигу зийракликни қўлдан бермаслик зарурлиги таъкидланди.

## Рамазон ойи муборак бўлсин!

Тожикистон Республикаси Ислом марказида Уламолар кенгаши бошқармаси мажлиси бўлиб ўтди.



Унда Кенгаш аъзолари илмий ҳисобга мувофиқ муборак Рамазон ойи аввали, 2017 йилдаги закот нисоби (нисоб – закотдан бериш лозим бўлган пул ёки мол), Рамазон ойида фитр садақаси миқдори, шаръий узр эгалари учун савм фидяси миқдори, масжидларда Қуръони Карим хатмини ўтказиш тартиби, Ислом маркази Уламолар кенгаши бошқармаси тақвимини тасдиқлаш, Ислом маркази Уламолар кенгаши раисининг муборак Рамазон ойи муносабати билан табрик матни ва бошқа масалаларни муҳокама қилишди.

Тожикистон Республикаси Ислом маркази Уламолар кенгаши раиси Саидмукаррам Абдулқодирзода: «Шаръий ҳисобга мувофиқ маҳаллий бозорларда олтин нархидан келиб чиқилса, 2017 йилда закот нисоби 22 минг 950 сомоний ҳажмида белгиланган бўлиб, шундан 575 сомоний закот берилади. Шунингдек, Ислом маркази Уламолар кенгаши бошқармаси томонидан қабул қилинган қарорга биноан, шаръий меъёрга мувофиқ фитр садақаси буғдой ҳисобида 5 сомоний ва майиз ҳисобида 48 сомоний (кўпроқ мол-мулкка эга кишилар учун) баравардир. 2017 йил Рамазон ойида савм фидяси шаръий узрга эга кишилар учун 30 кунга 300 сомоний миқдорида белгиланган. Бу ҳар бир кун учун 10 сомонийни ташкил қилади»,- деди.

Бу йил Рамазон ойи 27 май, шанба кунидан бошланади.

## Ҳошим Гадо номига табрик мактуби

Тожикистон санъат арбоби Ҳошим Гадо номига Россия Федерацияси Президентининг халқаро маданий муносабатларга доир махсус намояндаси М.Швидкой ҳамда Россия Федерацияси Маданият вазири В.Р.Мединский номидан унинг 80 йиллиги муносабати билан табрик телеграммаси келди.



Мамлакат Маданият вазирлиги матбуот марказидан маълум қилишларича, телеграммада Ҳошим Гадо бетакрор санъаткор, моҳир ходим ва доно мутафаккир бўлиб, нафақат Тожикистон, балки унинг ташқарисида ҳам эътироф этилгани таъкидланган. Унинг Тожикистон маданияти ривожу равнақидаги кўп йиллик фаолияти ҳақиқатдан ҳам таҳсин ва эҳтиромга сазовордир.

«Мамлакатлар ўртасида маданий алоқаларни мустаҳкамлаш йўлидаги мунтазам ва муносиб меҳнатингиз алоҳида миннатдорчиликка сазовордир»,- дейди Россия Федерацияси Президентининг халқаро маданий муносабатларга доир намояндаси М.Швидкой.

«Театр ва Шўролар киносидаги асарларингиз ёрқин саҳифага айланган. Фавқулодда ёзувчилик истеъдоди, таржимаи ҳол ва фалсафий асарларингиз муштарийларнинг чексиз шавқини уйғотиб, катта шуҳратга эришди»,- дейди Россия Федерацияси Маданият вазири В.Р.Мединский.




## Душанбеда ўтган сиёсий консултациялар

22 май куни Тожикистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигида Тожикистон ва Австралия ўртасида икки томонлама сиёсий консултациялар бўлиб ўтди.

Вазирликдан берилган хабарга қараганда, Тожикистон Республикаси Ташқи ишлар вазири биринчи ўринбосари Низомиддин Зоҳидий ва Австралия Ташқи ишлар ва савдо вазири ёрдамчиси Жеймс Холл икки томонлама муносабатлар истиқболли йўналишлари, жумладан, сайёҳлик ва маориф, минтақавий ва гуманитар ҳамкорликлар масалалари, Афғонистондаги вазият, терроризм, экстремизм ва наркотик моддалар ноқонуний савдосига қарши йўллар масалаларини муҳокама қилишди.



Консултация доирасида икки мамлакатнинг халқаро ва минтақавий ташкилотлар доирасидаги муносабатларини мустаҳкамлаш, келгусидаги ўзаро самарали диалогни йўлга қўйиш масалалари юзасидан фикр алмашинди.

## Пойтахт бозорлари арзон маҳсулотлар билан таъминланади

Рамазон ойи муносабати билан истеъмолчилик бозорида нархларнинг ошиши олдини олиш ва биринчи заруратдаги арзон маҳсулотлар билан таъминлаш учун «Душанбе шаҳри ўта зарур маҳсулотлар ишлаб чиқариш, олди-сотдиси» ДУК, «Саховат», «Деҳқон», «Шоҳмансур» бозорлари ва бошқа тегишли ташкилотлару муассасалар бир ой мобайнида барча зарур шароитлар билан таъминлаш ҳамда пойтахт бозорларига маҳсулотлар етказиб бериш билан шуғулланувчи савдогарлар, тижоратчилар, Тожикистон Республикаси Ҳукумати қошидаги Давлат моддий захиралари бўйича агентлик ва «Тожикматлубот» иттифоқини бир марталик пул тўловидан озод этишга вазифадордирлар.



Шу муносабат билан Душанбе шаҳри раиси Рустами Эмомали тегишли қарорни имзолади.

Ушбу қарорга мувофиқ, Рамазон ойида «Меҳргон бозори» ДУК, «Қараболо» бозори ёнидаги майдон, Ҳусейнзода-36 кўчасида жойлашган Қурилиш ва меъморчилик бўйича комитет, «Халқлар дўстлиги» боғининг жанубий қисмида мамлакат минтақалари қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари кўргазма-савдоси ташкил қилинади.

## Сайёҳлар учун ахборот ва техник хизмат кўрсатиш маркази

Ички ва ташқи сайёҳларга хизмат кўрсатиш сифатини халқаро меъёрларга мувофиқлаштириш мақсадида Дарвоз ноҳиясининг Қалъаи Хумб шаҳарчасида Терминал ва Истиқбол олиш - ахборот маркази расман фаолият бошлади. Марказ меҳмондорлик учун 10та ҳужра, транспорт таъмири ва сақланиши учун махсус майдонча, ҳаммом ва хизмат кўрсатишнинг бошқа турларига эга. Оғахон фондининг Тоғли Бадахшон минтақаси ижтимоий тараққиёти тарафдор дастури менежери Мадад Назриев шундай деди: - «Дарвоз ноҳияси Бадахшон дарвозаси ҳисобланади ва вилоятга кирган ҳар бир сайёҳ аввал бу ерда дам олади. Истиқбол олиш ва ахборот марказида тарихий мавзелар, шифобахш булоқлар, иқлим, тоғ халқи тили ва урфу одатларига доир барча маълумотлар тўпланган.



Хоруғ шаҳри ва Тоғли Бадахшон мухтор вилоятининг бошқа ноҳияларига сафардан аввал сайёҳлар бу марказда зарурий маълумотга эга бўлишади. Меҳмонхона ҳам миллий шаклда қурилган ва ҳордиқ чиқариш учун яхши жойларга эга. Меҳмонхона ташқарисида яна бир нечта ёзги суҳбатлашиш жойлари бунёд этилган бўлиб, меҳмонларда Қалъаи Хумб шаҳарчасини томоша қилиш имкони мавжуд».

## Даромадлар яширилмаслиги керак

Тожикистон Республикаси Ҳукумати аъзолари ва уларнинг яқин қариндошлари даромад ва мол-мулклари тўғрисида декларацияни тўлдириш ва солиқ органларига тавсия этишга вазифадор қилинадилар.




17 май куни Тожикистон Республикаси Олий Мажлиси Намояндалар мажлиси депутатлари «Тожикистон Республикаси Ҳукумати тўғрисида»ги конституцион қонунга ўзгартиш ва қўшимчалар киритишди. Ушбу конституцион қонунга киритилган ўзгартишларга мувофиқ, агар Ҳукумат аъзолари декларацияда даромадларини яширишса, ўз мол-мулклари тўғрисида ёлғон ахборотни ёзишса, уларни Тожикистон Республикаси Давлат молиявий назорати ва коррупцияга қарши кураш агентлиги ходимлари ошкор этади.

Мазкур масалани парламент мажлисида муҳокама қилган Тожикистон Республикаси Олий Мажлиси Намояндалар мажлиси депутати Амрихудо Дамдоровнинг сўзларига кўра, юқорида эслатилган қонунга киритилган ўзгартишлар Ҳукумат аъзолари масъулиятини оширишни ўз олдига мақсад қилган. Айни пайтда уларнинг Президентга содиқлик қасамёдини бузганлик учун интизомий жавобгарликка тортилишини назарда тутади.

*ОАВ асосида Г. Аюпова тайёрлади.*

# МИЛЛАТ ПЕШВОСИ САУДИЯ АРАБИСТОНИДА

***20 май куни Тинчлик ва миллий бирлик асосчиси – Миллат пешвоси, Тожикистон Республикаси Президенти муҳтарам Эмомали Раҳмон Араб ва Ислом дунёси мамлакатлари ҳамда Америка Қўшма Штатлари давлат бошлиқларининг биринчи саммитида иштирок этиш мақсадида Саудия Арабистони Қироллигига сафар қилди.***

**Шу куни мамлакат Президенти муҳтарам Эмомали Раҳмон Саудия Арабистони Қироллигининг Ар-Риёд шаҳрида Миср Араб Республикаси Президенти Абдулфаттоҳ ас-Сиси билан учрашди.**



Суҳбат чоғида Тожикистон ва Мисрнинг кўп қиррали муносабатларининг ҳозирги ҳолати ва истиқболлари кўриб чиқилди. Мамлакат Президенти суҳбат аввалида дўстона муносабатлар ва ҳамкорликлар кенгайишига катта ишонч билан қараб: - Мисрни минтақада муҳим мамлакатлардан бири ҳисоблаймиз, - дея зикр этди.

Миср Араб Республикаси Президенти Абдулфаттоҳ ас-Сиси учрашув чоғида Тожикистон Республикаси Президентининг тинчликсеварлик ва етакчилик истеъдодини юқори баҳолар экан: -Биз сизнинг шахсиятингиз ва намунали интилишларингизни алоҳида эҳтиром этамиз,- дея таъкидлади.

Суҳбатдошлар иқтисодий, техник ва илмий ҳамкорликлар бўйича муштарак ҳукуматлараро комиссия фаолиятини янада жонлантириш муҳимлигини қайд қилишди. Тожикистоннинг сув ва гидроэнергетик захираларини ҳисобга олган ҳолда, бу соҳада ҳамкорликларни ташкил этиш ва кенгайтиришга кўпроқ эътибор қаратилди.

Суҳбатдошлар иккала мамлакат ҳам ўз замонавий тарихида рўпара келган терроризм, экстремизм, иккиламчи стандарт ва ташқи аралашувлар каби хатарларни эсга олишар экан, махсус ахборотлар ва терорчиликка қарши ўзаро фаолият тажрибаси алмашишдан манфаатдорликларини изҳор этишди.

Илиқ ва дўстона фазода ўтган суҳбат охирида Давлат бошлиғи муҳтарам Эмомали Раҳмон ўз ҳамкасби Абдулфаттоҳ ас-Сисини Тожикистонга расмий ташриф билан келишга таклиф этди. Таклиф бажону дил қабул қилинди.



## Араб ва Ислом дунёси мамлакатлари ҳамда Америка Қўшма Штатлари давлат бошлиқлари саммитида

**2017 йилнинг 21 май куни Тинчлик ва миллий бирлик асосчиси – Миллат пешвоси, Тожикистон Президенти муҳтарам Эмомали Раҳмон Қирол Абдулазизнинг Халқаро форумлар марказида бўлиб ўтган Араб, Ислом дунёси мамлакатлари ва Америка Қўшма Штатлари давлат бошлиқларининг биринчи саммитида иштирок этди ва нутқ сўзлади.**

Давлат бошлиғи муҳтарам Эмомали Раҳмонни Саудия Арабистони Қироллиги Қироли, муқаддас Икки Ҳарам ходими Салмон ибн Абдулазиз Оли Сауд самимий кутиб олди.

Саммит ишида дунёнинг 55 мамлакати ва Ҳукуматлар бошлиқлари иштирок этишди.

Тадбир бошланиши олдидан саммит иштирокчиларини суратга олиш маросими бўлиб ўтди.

Мамлакатлар тинчлиги, барқарорлиги ва устувор хавфсизлигини таъминлаш, жамиятдаги йирик ва глобал таҳдидлар – терроризм, экстремизмга қарши биргаликда кураш муаммоларига бағишланган олий даражадаги саммитни Саудия Арабистони Қироллиги Қироли кириш сўзи билан очиб берди.

Сўнгра Америка Қўшма Штатлари Президенти Доналд Трамп чиқиш қилди.

Ўз нутқида Тинчлик ва миллий бирлик асосчиси – Миллат пешвоси, Тожикистон Республикаси Президенти муҳтарам Эмомали Раҳмон тадбир ташкилотчиларига олий даражадаги меҳмондорчилик ва саммит иши учун қулай шароитлар яратганликлари сабабли миннатдорчилик билдириб, энг муҳими, бугун бу ерга саммит иштирокчилари бутун жаҳон ҳамжамиятининг чуқур ташвишига сабаб бўлаётган муаммоларни кўриб чиқиш ва муҳокама этиш мақсадида тўпланишганини қайд қилди.

Давлат бошлиғи катта глобал таҳдидга айланган терроризм ва экстремизмни яна бир марта қаттиқ қоралар экан, саммит иштирокчиларини унинг сиёсий, ҳарбий ва молиявий қўллаб-қувватлаш манбаларини таг-томири билан суғуриб ташлашнинг амалий усул ва йўлларини излашга чорлади.

Тожикистон Республикаси Президенти экстремистик ва террорчилик интилишларга икки тарафлама ёндашув туфайли, радикал гуруҳлар бир қатор жамият фондлари ва ташкилотлари ҳамда бошқа томонларнинг сиёсий-ахборот ва молиявий ёрдамларидан фойдаланаётганликларини қайд қилди.

Давлат бошлиғи ўз чиқишида терроризм ва экстремизмнинг бир бутун давлатлар йўқ бўлиб кетиши таҳдидини берувчи, юз минглаб кишиларнинг ҳалок бўлиши ва мислсиз бузғунчиликларга олиб келувчи, муқаддас Ислом динини сиёсийлаштиришга уриниш ва унинг покиза номини суиистеъмол қилиш каби даҳшатли шаклларда кенгайишидан ташвиш билдирди.

Тожикистондаги тинчлик тажрибаси ҳақида эслатган Миллат пешвоси бу тажриба ўз ғаразли мақсадларига эришиш йўлида пок Ислом дини номидан фойдаланадиган ҳар қандай кучлар ҳеч қачон жамият томонидан қўллаб-қувватланмаслигини яна бир марта тасдиқлаганини таъкидлади.

Ўз сўзи давомида Давлат бошлиғи Ўрта Шарқнинг баъзи мамлакатларидаги беқарорлик ва Афғонистондаги мураккаб ҳарбий-сиёсий вазият борасида конструктив ғояларни илгари сурар экан, Тожикистоннинг бу муаммоларни ҳал этиш, катта минтақавий ва халқаро таҳдидлар олдини олишдаги мавқеини алоҳида қайд қилди.

Сўзи охирида Тинчлик ва миллий бирлик асосчиси – Миллат пешвоси, Тожикистон Республикаси Президенти муҳтарам Эмомали Раҳмон тенглик ва ўзаро эҳтиром, сабр-бардош ва шаффофлик, сўз ва иш бирлиги асосида цивилизация диалоги аҳамияти ошиб бораётганини айтиб, бугунги форум натижалари мамлакатлар халқларининг тинчлик ва барқарорлик ҳақидаги орзу-умидларига мувофиқ тарзда самарали бўлишига умид билдирди.



## Бош вазир билан учрашув

**22 май куни Араб, Ислом дунёси мамлакатлари ва Америка Қўшма Штатлари давлат бошлиқларининг биринчи саммити доирасида Тинчлик ва миллий бирлик асосчиси – Миллат пешвоси, Тожикистон Президенти муҳтарам Эмомали Раҳмон Бангладеш Халқ Республикаси Бош вазири хоним Шайх Ҳасина Вазед билан учрашди.**

Суҳбат чоғида икки томонлама муносабатларнинг ҳозирги ҳолати ва давлатлараро конструктив ҳамкорликларни кенгайтириш йўллари кўриб чиқилди.

Бангладеш билан икки томонлама муносабатларни кенгайтириш Тожикистон Республикасининг Жанубий-Шарқий Осиё мамлакатларига нисбатан ташқи сиёсатининг муҳим йўналишларидан бири ҳисобланиши қайд қилинди.

Давлат бошлиғи иқтисодий, савдо, сайёҳлик фаолияти ва тўғридан-тўғри сармоялар учун барча шароитлар яратилгани, Бангладешдаги тадбиркорлик ва тижорат доиралари шу асосда тожикистонлик ҳамкорлари билан тўғридан-тўғри ва конструктив алоқаларни ўрнатишлари мумкинлигини таъкидлади.

Тадбиркорлар кенгаши, Иқтисодий ҳамкорликлар бўйича муштарак ҳукуматлараро комиссияси, тўқимачилик ва тикувчилик саноати муштарак корхоналарини ташкил қилиш, гуруч, хом терини қайта ишлаш ва тайёр тери ишлаб чиқариш икки томонлама ҳамкорликларнинг истиқболли йўналишларидан, дея аталди.

Хоним Шайх Ҳасина Вазед ўз мамлакатининг Тожикистон билан БМТ, ШҲТ, бошқа халқаро ва минтақавий ташкилотлар доирасида интеграциясини мустаҳкамлашга тайёрлиги ва бундан манфаатдорлигини айтди.

Суҳбатдошлар, шунингдек, маориф соҳасида ҳамкорликларни ривожлантиришни давлатлараро муносабатларнинг истиқболли йўналишларидан бири сифатида зикр этишди.

Суҳбат давомида икки давлатнинг халқаро терроризм ва экстремизм, трансмиллий жиноий гуруҳларга қарши кураш ва хавфсизлик идораларининг тўғридан-тўғри ҳамкорликларини йўлга қўйишда жипсликларини кучайтириш масалалари кўриб чиқилди.

Давлат бошлиғи муҳтарам Эмомали Раҳмон хоним Шайх Ҳасина Вазедни Тожикистонга расмий ташриф билан боришга таклиф қилди.



## Саад Ҳаририй билан мулоқот

**21 май, куннинг иккинчи ярмида Ар-Риёд шаҳрида Тинчлик ва миллий бирлик асосчиси – Миллат пешвоси, Тожикистон Президенти муҳтарам Эмомали Раҳмон Араб, Ислом дунёси мамлакатлари ва Америка Қўшма Штатлари давлат бошлиқлари биринчи саммити доирасида Ливан Республикаси Бош вазири Саад Ҳаририй билан учрашди.**

Суҳбат чоғида Тожикистон ва Ливан Республикаси конструктив алоқаларини кенгайтириш масалалари кўриб чиқилди.

Шунингдек, самимий фазода ўтган учрашувда суҳбатдошлар сиёсий, иқтисодий, ижтимоий, сайёҳлик, сармоявий ҳамда иккала томон учун фойдали бўлган бошқа соҳалардаги ҳамкорликларни кенгайтиришга тайёрликларини билдиришди.

Томонлар, шунингдек, терроризм, экстремизмга қарши биргаликда кураш ҳамда минтақа ва мамлакатлар хавфсизлигига таҳдид солиш билан боғлиқ бошқа долзарб масалаларни ҳам муҳокама этишди.

Учрашувда, шунингдек, иккала томон учун фойдали бўлган бошқа масалалар ҳам кўриб чиқилди.

## Мамлакатлар давлат бошлиқлари билан учрашувлар

**Тинчлик ва миллий бирлик асосчиси – Миллат пешвоси, Тожикистон Президенти муҳтарам Эмомали Раҳмон Араб, Ислом дунёси мамлакатлари ва Америка Қўшма Штатлари давлат бошлиқларининг биринчи саммити доирасида Саудия Арабистони Қироллигининг Ар-Риёд шаҳрида ушбу давлат Қироли Салмон ибн Абдулазиз Оли Сауд, Америка Қўшма Штатлари Президенти Доналд Трамп ва бир қатор давлатлар бошлиқлари, жумладан, Покистон Ислом Республикаси Бош вазири Муҳаммад Навоз Шариф, Афғонистон Ислом Республикаси Президенти Муҳаммад Ашраф Ғани, Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев, Қозоғистон Республикаси Президенти Нурсултон Назарбоев, Озарбайжон Республикаси Президенти Илҳом Алиев, Қувайт давлати Амири Шайх Сабоҳ ал-Аҳмад ал-Жобир ас-Сабоҳ, Қатар давлати Амири Шайх Тамим бин Ҳамад Оли Соний, Бирлашган Араб Амирликлари шаҳзодаси Шайх Муҳаммад бин Зойид Оли Наҳаён, Баҳрайн мамлакати Қироли Ҳамид бин Исо Оли Халифа ва Малайзия Бош вазири Нажиб Абдурраззоқ билан самимий ва самарали учрашувлар ўтказди.**

Дўстона ва ишончли фазода бўлиб ўтган суҳбатлар чоғида Тожикистоннинг ушбу мамлакатлар билан икки томонлама ва кўп қиррали муносабатлари масалалари кўриб чиқилди.

Давлат бошлиғи ўз ҳамкасблари билан учрашув имкониятидан қониқиш билдириб, ушбу суҳбатларни алоқаларни ривожлантириш ва кенгайтириш омили, дея атади.

Шу тарзда, Тинчлик ва миллий бирлик асосчиси – Миллат пешвоси, Тожикистон Республикаси Президенти муҳтарам Эмомали Раҳмон қулай фурсатдан фойдаланиб, уларнинг аксарияти билан икки томонлама алоқалар ва дунёнинг нуфузли ташкилотлари доирасида дўстона муносабатларни ривожлантиришу кенгайтириш йўлидаги ҳамкорликлар масалаларини муҳокама қилди.

*«Ховар» ТМАА.*

# ТЕРРОРИЗМГА ҚАРШИ БИРГАЛИКДА КУРАШИШ - ДАВР ТАҚОЗОСИ

## Миллат пешвоси муҳтарам Эмомали Раҳмоннинг Араб ва Ислом дунёси мамлакатлари ҳамда Америка Қўшма Штатлари давлат бошлиқларининг биринчи саммитида сўзлаган нутқи

*21 май 2017 йил, Саудия Арабистони Қироллиги.*

**Меҳрибон ва раҳмли Аллоҳ номи ила!**

**Ҳурматли Саудия Арабистони Қироли Жаноби олийлари!**

**Ҳурматли Америка Қўшма Штатлари Президенти! Мамлакатлар ва Ҳукуматлар раҳбарлари Жаноби олийлари!**

**Қадрли иштирокчилар!**

Энг аввало, ушбу саммит ташкилотчиларига олий даражадаги меҳмондорчилик ва ишимиз учун қулай шароитни яратганликлари учун самимий миннатдорчилигимни билдиришни истардим.

Бизни бугун бутун жаҳон ҳамжамиятининг чуқур ташвишига сабаб бўлаётган муаммоларни кўриб чиқиш ва муҳокама этиш зарурати бу ерга тўплади.

Маълумки, мамлакатлар тинчлиги, барқарорлиги ва мустаҳкам хавфсизлигини таъминлаш минтақавий ва халқаро даражада устувор тараққиётнинг бунёдкорлик жараёнларини йўлга қўйиш ва илгари суришнинг муҳим омили ҳисобланади.

Терроризм ва экстремизмнинг мислсиз тўлқини бугун катта глобал таҳдидга айланиб, узоқ муддатли хусусиятга эга бўлган фожиали сиёсий ва маънавий оқибатларга олиб келади.

Бу бизни босқичма-босқич унинг сиёсий, ҳарбий ва молиявий қўллаб-қувватланиши манбаларини таг-томири билан қўпориб ташлаш амалий усул ва йўлларини излашга ундайди.

Бу йўналиш бўйича сўнгги 25 йил мобайнида юзлаб минтақавий ва халқаро саммитлар чақирилгани ҳолда, кўпгина декларациялар қабул қилинган бўлишига қарамасдан, улар, барибир, кутилган натижани бермади.

Бизнинг фикримизча, «икки хил стандарт» сиёсатини қўллаш келишилган чора-тадбирларни кенг миқёсда амалга татбиқ этишга тўсиқ бўлувчи омиллардан биридир.

Экстремистик ва террорчилик интилишларига икки тарафлама ёндашув туфайли радикал гуруҳлар бир қатор жамият фондлари ва ташкилотлари ҳамда бошқа томонларнинг сиёсий-ахборот ва молиявий ёрдамларидан фойдаланмоқда.

Натижада, терроризм ва экстремизм ўз географиясини янада даҳшатлироқ шаклда кенгайтирди.

Бу хатарлар бутун давлатлар йўқолиб кетиши таҳдидини юзага келтириб, юз минглаб кишиларнинг ҳалок бўлиши ва мислсиз вайронагарчиликларга сабаб бўлди.

Шунингдек, бу жараёнда муқаддас Ислом динини сиёсийлаштиришга уриниш ва унинг пок номини суиистеъмол қилиш, таҳдид солувчи воқеа хусусиятини олгани ҳам ташвиш туғдиради.

Экстремистик ва террорчилик гуруҳлари дунёнинг турли минтақаларида зўравонлик ва қонли диний-этник тўқнашувлар уруғини сочиб, Ислом дини ва мусулмонларга нисбатан нафрат туйғусининг ошишига сабабчи бўлди.

Шу сабабли, террорчи ва экстремистнинг ватани, миллати ва дини йўқлигини неча марта айтганман ва яна бир марта қайд қилишни ўринли, деб биламан.

Ўтган асрнинг 90-йиллари бошида Тожикистон халқи дунёвий давлат ва маданиятли жамият бунёд этиш йўлида беқарорликнинг оғир кунларини бошидан кечирди.

Давлат мустақиллигининг биринчи йилларида мамлакатимиз зўравонликнинг кенг кўриниши, ўз ишларига ташқаридан аралашиш, халққа бегона ғоялар ва дунёқарашларни боғлашга уринишлар билан рўпара келган бўлиб, экстремизм ва терроризм ғоялари уларнинг асосий манбаи эди.

Уюштирилган қонли уруш натижасида юз минглаб фуқароларимиз ҳалок бўлиб, қарийб бир миллион киши уй-жойсиз қолди ва қочоққа айланди.

Ўзимизнинг маданият-маърифатли иқтидоримизга таянган ҳолда, кенг миллий диалогни шакллантириб, жамиятда миллий бирлик ва барқарорликни қайта тиклашнинг уддасидан чиқа олдик.

Тожикистоннинг тинчликпарвар тажрибаси ўзларининг ғаразли мақсадларига эришиш йўлида пок Ислом динини суиистеъмол қиладиган ҳар қандай кучлар ҳеч қачон жамият томонидан қўллаб-қувватланмаслигини яна бир марта тасдиқлади.

Ўзимизнинг тинчликпарварлик тажрибамиз орқали бугунги кундаги қарама-қаршиликлар ва мунозараларни умумқабул қилинган халқаро меъёр ва мезонлар доирасида тинчлик йўли билан ҳал қилиш борасида қатъий қўллаб-қувватлашимизни билдирамиз.

**Жаноби олийлари!**

Ўрта Шарқнинг алоҳида мамлакатларидаги беқарорликнинг бугунги кўринишлари таъсири остида бизнинг минтақамизда ҳам хавфсизликка таҳдидлар ошиб бормоқда.

Маълумки, Марказий Осиёнинг барқарорлик ва хавфсизлиги Афғонистондаги ҳолат билан бевосита боғлиқдир.

Тожикистон жаҳон ҳамжамияти ва қўшни Афғонистон Ҳукуматининг тинчлик ва барқарорликни ўрнатиш йўлидаги бунёдкорларча ҳаракатларини тўлиқ қўллаб-қувватлайди.

Биз бу жараёнга бундан кейин ҳам муносиб ҳиссамизни қўшишга тайёрмиз.

Наркотик моддалар контрабандаси терроризм ва зўравонликнинг асосий молиявий манбаи сифатида минтақа ва жаҳонда катта тавшишга сабаб бўлмоқда.

Тожикистон ўз имкониятлари ва халқаро шериклар билан ҳамкорликлар доирасида асрнинг бу вабосига қарши кураш учун доимий равишда саъй-ҳаракат қилмоқда.

Бугун бу йўналишда янада кенгроқ халқаро ҳамкорлик талаб қилиняпти.

Бугун замонавий технологиялар имкониятлари илм ва маданият, жамият ҳаётини ривожлантириш ишида муҳим рол ўйнамоқда.

Экстремистик ва радикал ғояларни тарғиб этиш каби ғаразли мақсадларда интернетдан кенг фойдаланиш хавфли ҳодиса билан курашда жипсликни талаб қилмоқда.

**Ҳурматли иштирокчилар!**

Глобал таҳдидлар ва бугунги кун хатарларига қарши кураш соҳасида ижобий натижаларга эришиш жаҳон ҳамжамиятининг биргаликда ва мувофиқлаштирилган амаллари билан боғлиқ, дея ҳисоблаймиз.

Жараён Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг асосий ва мувофиқлаштирувчи роли қошида комплекс ва барча жабҳаларни қамраб олувчи хусусиятга эга бўлиши керак.

Бу йўлда биргаликдаги ҳаракатларимиз асосини Терроризмга қарши курашда глобал стратегия ва БМТнинг бошқа тегишли ҳужжатлари ташкил қилади.

Ҳужжатларни миллий, минтақавий ва халқаро даражада босқичма-босқич ҳаётга татбиқ этиш бутун инсоният манфаатларига жавоб беради.

Жаҳон тажрибаси терроризмни фақатгина ҳарбий кучга таянган ҳолда, енгиш имконсиз эканлигини кўрсатмоқда.

Бу йўналишда терроризмни ҳодиса сифатида намоён этадиган объектив, моддий ва маънавий омиллар аниқланиши ва тўла ўрганилиши керак.

Ишсизлик, камбағаллик ва аҳоли ижтимоий ҳимояси паст даражада эканлиги бошқа маънавий-ахлоқий омиллар билан бир қаторда, радикализм ва терроризм пайдо бўлишига ҳисса қўшаяпти.

Шу асосда ривожланаётган мамлакатларда ижтимоий тармоқлар тараққиётини қўллаб-қувватлаш жуда муҳим иш ҳисобланади.

Шунингдек, савдо-иқтисодий алоқаларни кенгайтириш ва бу мамлакатларга янги технологияларни жалб этишга тегишли эътибор қаратиш зарур.

Бу ҳолатда уларнинг жаҳон бозорларига рақобатбардош маҳсулотлар билан киришлари учун янада қулай шароитлар яратилади.

Бу тажрибада ривожланган, жумладан, Ислом дунёсига кирувчи мамлакатлар роли самарали бўлиб, улар кенг моддий-сармоявий ва технологик имкониятларга эгадир.

Бизнинг фикримизча, ривожланаётган мамлакатларга ижтимоий-иқтисодий тараққиётда ёрдам бериш радикализмнинг пайдо бўлиши олдини олиш ва барча соҳаларни қамраб олган барқарорликни таъминлашнинг амалий усули ҳисобланади.

Сўнгги йилларда жаҳон ҳамжамияти устувор тараққиёт йўлига ўтиш режасида муҳим қадамларни ташламоқда.

2030 йилгача кун тартибидаги глобал масалалар эзгу мақсадлари яхши ва муносиб келажак учун масъулиятимизни икки баравар оширади.

Тинчлик мақсадларидаги ушбу мураккаб йўлда ўзаро ёрдам ва глобал шерикчиликка таянишимиз керак.

**Қадрли иштирокчилар!**

Сўзим охирида тенглик ва ўзаро эҳтиром, сабр-бардош ва шаффофлик, сўз ва амал бирлиги асосида маданиятли диалог аҳамияти янада ошиб бораётганини қайд қилишни истардим.

Саммитимиз натижаси мамлакатларимиз тинчлик ва барқарорлигига доир орзу-умидларига мувофиқ тарзда самарали бўлишига умид билдираман.

**Диққатингиз учун ташаккур.**

*«Ховар» ТМАА.*

# ЁШЛАР – МИЛЛАТУ ДАВЛАТНИНГ МУНОСИБ ВОРИСЛАРИ

## Миллат пешвосининг Ёшлар куни муносабати билан телевидение орқали йўллаган табриги

*22 май 2017 йил, Душанбе шаҳри.*

**Ҳурматли мамлакат ёшлари!**

**Азиз фарзандлар!**

**Тожикистоннинг барча ёшлари ва ўсмирларини Ёшлар куни муносабати билан табриклаб, уларнинг ҳар бирига саломатлик бахту саодат ва муваффақиятлар тилайман.**

Тожикистон Ҳукумати ёшларни бунёдкору қудратли куч ва мамлакат ҳаёти барча соҳаларининг етакчилари ҳисоблайди ҳамда улар ҳаёт ва таҳсил олишларига доир мушкулликлару масалаларни ҳал этишни ўзининг ижтимоий сиёсати афзал йўналишларидан бири сифатида эътироф этади.

Тожикистон Ҳукумати миллий мустақилликни ҳимоялашу устувор этиш, замонавий ва ривожланган давлат бунёди ва унинг келгусидаги тараққиётини ёшларнинг фаолона ҳамда бевосита ҳиссалари билан боғлиқ билиб, мавжуд имкониятлардан фойдаланган ҳолда, ўсмирлару ёшларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳолатини мунтазам яхшилаб, уларнинг ҳар томонлама ривожланиши учун барча зарур шароитларни яратишга ҳаракат қилади.

Шу сабабли, давлат мустақиллиги даврида ёшлар дунёқараши ва фикру андишасида катта ўзгаришлар юз бериб, бугун уларнинг юриш-туришлари, одобу ахлоқ ва ҳаётга бўлган муносабатлари неча баравар яхшиланган ҳамда ёшларимиз ҳозир давлату жамият ишларига ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшишмоқда.

Бугун ҳаётан муҳим масалаларни ҳал этиш, жумладан, давлатчилик асосларини мустаҳкамлаш, миллий иқтисодиётнинг барча соҳалари устувор тараққиёти, йўллар, туннеллару кўприклар, кичигу йирик электростанциялар бунёди, ижтимоий иншоотлар қурилиши ва умуман, мамлакатимиз ривожланиши-ю ободонлашуви жараёнида ёшларнинг роли ва ҳиссаси жуда ҳам арзирлидир.

Ҳаммасидан муҳими шуки, ватанпарварона барча ташаббусларни амалга татбиқ этиш учун ёшларимиз чуқур билим, замонавий дунёқараш ва юксак миллий туйғу билан муносабат қилишади.

Бугун ёшларимиз миллий менталитет, ўзликни англаш тушунчалари ва жамияту давлат масалаларида соғлом нуқтаи назарга эга бўлишиб, бу мамлакат келгуси авлодининг ватан ва ўзликни англаш мафкуралари шаклланганининг аниқ нишонаси эканлиги қаноатмандлик боисидир.

Давлатчилик бунёди жараёнида ёшларимиз ватанни ободонлаштиришнинг бугунги босқичида фаолона ва муносиб иштироклари, энг аввало, ўзларининг манфаатлари учун эканлигини яхши англайдилар. Зеро, эртага уларнинг ўзлари мана шу ватанда яшашиб, давлатни бошқариш ва уни ривожлантириш масъулиятини зиммаларига олишади.

Шунингдек, мустақиллик даври ёшлари замонавий дунё ўзгаришлари ва жараёнларини яхши англаб, таҳлил қилишган бўлиб, замонавий илмлар, ахборот ва коммуникацион техника-ю технологиялар ҳамда хорижий тилларни ўрганиш учун саъй-ҳаракат қилишаётганини зикр этиш жоиздир.

Ўсмирлару ёшлар орасида спортни ривожлантириш ва соғлом ҳаёт тарзини тарғибу ташвиқ қилиш ҳам давлат тузилмалари-ю органлари фаолиятининг энг муҳим йўналишларидан ҳисобланади. Зеро, ўсмирлару ёшлар қанча соғлом бўлса, давлату миллат ҳам шу қадар қудратли-ю кучли бўлади.

Шу сабабли, халқаро спорт мусобақалари ғолиблари ва совриндорларини ҳавасманд этиш йўлида Тожикистон Республикаси Президенти мукофоти таъсис этилган бўлиб, бугунги кунгача ўнлаб тожик спортчилари унинг соҳибига айланди.

Фақатгина давлат мустақиллиги даврида тожик спорти мислсиз ривожланиб, ёш спортчиларимиз ўзларининг фаолона ва юксак ватанпарварона иштироклари билан олимпия мукофотлари соҳибига айланишнинг уддасидан чиқишди ҳамда улар қўлга киритган ғалаба шарафига Тожикистон Давлат байроғи ҳилпираб, дунёнинг турли минтақаларида Миллий мадҳиямиз янграмоқда.

Шунга қарамасдан, ёшларимиз мунтазам машқу машғулотлар билан шуғулланиб, илмий-тадқиқот ва ихтирочилигу янгилик яратиш ишларига жиддий муносабатда бўлишлари ҳамда ўзларининг ютуқлари билан Тожикистонни халқаро майдонда муносиб танитишлари зарур.

Она-Ватанга содиқ хизмат қилиш, унинг чегарасини ҳимоя қилиш ва давлату миллат манфаатлари ҳимояси йўлида ҳушёру зийрак бўлиш ҳар бир ор-номусли, жасур ва мустаҳкам иродали ёшларнинг фарзандлик бурчи ҳисобланади.

Бугунги жуда мураккаб, хусусан, экстремизму терроризм каби янги таҳдиду хатарлар кўпайган бир шароитда ёшларимиз мустақил ва озод давлатга шукрона тарзида аждодлар замини барқарорлиги ва тараққиёти йўлида саъй-ҳаракат қилишлари зарур.

Экстремизму хурофотпарастлик жаҳолату зулмат манбаси бўлиб, миллату давлатга фақат бадбахтлик келтириши ҳамда жамияту давлат ривожу равнақига жиддий тўсиқни вужудга келтиришини эслатиб ўтаман.

Шу мақсадда, ёшларимиз сиёсий билимларини мунтазам такомиллаштириб, бугунги дунёнинг тез суръатдаги ўзгаришларидан доимо огоҳ бўлишлари ва миллату давлат манфаатлари ҳимояси учун ҳар доим тайёр туришлари керак.

Ёшларимиз муқаддас Ватанимизни ўзимиздан бошқа ҳеч ким обод қилмаслигини англаб етишлари керак. Тожикистоннинг ёрқин келажаги ва халқнинг муносиб ҳаёти бугунги ёшлар билан боғлиқ.

Зеро, биз – катта ёшли авлод Ватан ободлиги, Тожикистон тараққиёти ва мамлакат тинчлигу барқарорлиги йўлида қўлимиздан келган барча ишни қилаяпмиз. Ўз навбатида, ёшларимиз Ватан эртаси ва миллат келажагини ободу осуда этиш учун давлату мамлакат Ҳукумати яратган имкониятлардан фойдаланган ҳолда, имкон қадар кўпроқ билим олиш ва касбу ҳунар эгаллаш билан машғул бўлишга вазифадордирлар.

2017 йилнинг Ёшлар йили, дея эълон қилиниши ёш авлодни замонавий билимларни ўрганиш, касбу ҳунарларни эгаллаш ва Ватан ободлиги-ю тараққиёти йўлида ёшлик ғайрату кучи ва устувор қадамларни ташлашга вазифадор этади.

Мустақил мамлакатимизнинг ёшлари ҳар доим етакчи куч, миллату давлатнинг муносиб ворислари ва мустақил Тожикистонимизнинг бугуну эртаси бунёдкорлари бўлишларига ишончим комил.

**Ёшларимиз Ватан, миллат, тил ва ўзларининг буюк аждодлари билан ҳар доим фахр қилишиб, мустақиллик ютуқлари, азиз Тожикистонимиз хавфсизлигу осудалиги ҳимояси улар ҳаётининг мақсаду маромига айланишини орзу қиламан.**

**Сўзим охирида мамлакатимизнинг барча ор-номусли ёшлари ва азиз Тожикистонимизнинг барча шарафли халқига тинчлигу осудалик, рўзғор файзу баракати, бахту иқбол ва мустаҳкам азму ирода тилайман.**

**Ёшлар куни муборак бўлсин!**

*«Ховар» ТМАА.*

# ТАБРИК ТЕЛЕГРАММАСИ

***20 май куни Тинчлик ва миллий бирлик асосчиси – Миллат пешвоси, Тожикистон Республикаси Президенти муҳтарам Эмомали Раҳмон Эрон Ислом Республикаси Президенти доктор Ҳасан Руҳоний номига табрик телеграммаси жўнатди. Унда, жумладан, шундай дейилади:***

- «Жаноби олийлари!

Эрон Ислом Республикаси Президенти - олий лавозимига сайланганингиз муносабати билан Сизга ўзимнинг самимий табригим ва энг эзгу тилакларимни йўллаяпман.

Мамлакатларимиз азалий тарихий-маданий умумийликка таянган ҳолда, бугунги кунгача ҳаётнинг турли жабҳаларида эзгу муносабатлар ва ўзаро фойдали ҳамкорликлар ўрнатди.

Президентлигингизнинг бундан кейинги даврида ҳам мамлакатларимиз кўп қиррали шерикчилигини биргаликдаги самимий ҳаракатлар билан мустаҳкамлаган ҳолда, уларни икки халқ манфаатлари йўлида янги, янада юқори даражага кўтаришимизга ишончим комил.

Тожикистон томони бундан кейин ҳам, халқаро алоқалар умумқабул қилинган принциплари – ўзаро тушуниш, тенгҳуқуқлилик, илтифотлилик ва ўзаро ишонч асосида бу йўналишда зарур даражада саъй-ҳаракат қилишга тайёр.

Жаноби олийларига мустаҳкам соғлиқ ва янгидан-янги муваффақиятлар, дўст Эрон халқига эса, тинчлик, барқарорлик ва фаровонлик тилайман».

*«Ховар» ТМАА.*

# ҲАМДАРДЛИК ТЕЛЕГРАММАСИ

**23 май куни Тинчлик ва миллий бирлик асосчиси - Миллат пешвоси, Тожикистон Республикаси Президенти муҳтарам Эмомали Раҳмон Буюк Британия ва Шимолий Ирландия Бирлашган Қироллиги Бош вазири Тереза Мэй номига ҳамдардлик телеграммаси жўнатди. Унда, жумладан, шундай дейилади:**

"Жаноби олиялари!

Манчестер шаҳридаги даҳшатли портлаш оқибатида ўнлаб кишиларнинг ҳалок бўлганликлари ва кўп сонли кишиларнинг жароҳат олганликлари ҳақидаги хабарни чуқур қайғу билан қабул қилдик.

Дунёнинг турли мамлакатларини қамраб олган ва бутун жаҳон ҳамжамияти қаттиқ ташвишига сабаб бўлаётган терроризмнинг мисли кўрилмаган тўлқини асрнинг бу вабосига қарши биргаликда шафқатсиз курашни давом эттириш зарурлигини яна бир марта тасдиқлаяпти.

Ҳалок бўлганлар яқинларига чуқур таъзиямиз ва ҳамдардлигимизни билдирган ҳолда, жабрланганларнинг тўлиқ тузалиб кетишларини тилаймиз".

*"Ховар" ТМАА.*

# МИЛЛАТ ПЕШВОСИ ЛИЛИЯ БУРУНЧУКНИ ҚАБУЛ ҚИЛДИ

***17 май, куннинг иккинчи ярмида Тинчлик ва миллий бирлик асосчиси – Миллат пешвоси, Тожикистон Республикаси Президенти муҳтарам Эмомали Раҳмон Миллат қасрида Бутунжаҳон банкининг Марказий Осиё бўйича минтақавий директори Лилия Бурунчук хонимни қабул қилди.***

Учрашув чоғида томонлар ҳамкорликни кенгайтиришнинг янги йўналишлари ва имкониятларини кўриб чиқишди ҳамда Бутунжаҳон банкининг Тожикистондаги янги доимий намояндаси Ян-Петер Олтерс таништирилди.

Мамлакат Президенти Норак ГЭСи қайта тикланиши, Душанбе шаҳрини сув билан таъминлаш лойиҳаларини қўллаб-қувватлаш ҳамда табиий офатлар олдини олиш ва Тожикистонда соҳил мустаҳкамлаш ишлари ҳолатини баҳолаш ва кўриб чиқишдан қониқиш билдирди.

Учрашув чоғида томонлар ташқи салбий омилларнинг Тожикистон ижтимоий-иқтисодий ҳолатига таъсири, Тожикистон билан янги шерикчилик дастури ва 2030 йилгача давр учун Тожикистон Республикасининг миллий тараққиёт стратегиясини кўриб чиқишиб, келгусидаги ҳамкорликлар истиқболларини белгилаб олишди.

Энергетика, инфратузилма, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини ривожлантириш, давлат бюджети ва ижтимоий соҳаларни қўллаб-қувватлаш соҳаларидаги мақсадларни амалга татбиқ этиш учун Бутунжаҳон банкининг имтиёзли грант маблағларини ошириш устувор тараққиётнинг муҳим омилига айланиши қайд қилинди. Хусусий сектор, саноат ва ижтимоий инфратузилма, қишлоқ хўжалиги тармоғини қўллаб-қувватлаш, экспорт ҳажмини ошириш, янги иш жойлари яратиш, инсон потенциалини мустаҳкамлаш соҳаларидаги ҳамкорликлар иқтисодий тараққиётни сифатли таъминлаш ва камбағаллик сатҳини пасайтириш учун зарур шартлардан, дея зикр этилди.

Темир ва автомобил йўллари қайта тикланиши, таъмирланиши ва қурилиши, минтақавий ҳамкорликлар бошқа йўналишларини кучайтириш учрашувнинг асосий мавзуларидан бўлиб, уларни амалга татбиқ этиш бўйича аниқ таклифлар илгари сурилди.

*«Ховар» ТМАА.*

# ЁШЛАР - ЁРҚИН ОРЗУЛАРНИ РЎЁБГА ЧИҚАРУВЧИ ҚУДРАТЛИ КУЧ

## Миллат пешвосининг Ёшлар кунига бағишланган тантанали тадбирда сўзлаган нутқи

*23 май 2017 йил, Душанбе шаҳри.*

**Азиз ёшлар!**

**Барчангизни мустақил Тожикистоннинг қувончли байрамларидан бири бўлган Ёшлар куни муносабати билан самимий табриклайман.**

Шунингдек, давлатнинг ёшлар сиёсатини олиб бориш мустақиллик дастлабки йиллариданоқ мамлакат Ҳукумати фаолиятининг истиқболли йўналишларидан бири сифатида эълон этилганини эслатишни истардим.

Зеро, XXI аср илм ва технологиянинг мислсиз тараққиёт даври сифатида бизни мамлакатда ўсиб келаётган ёш авлод ҳисобидан истеъдодлиларни ҳамда янги давр кадрларини тарбиялаш ва миллат келажагини яратиш, уларнинг муносиб таълим-тарбияси, руҳий ва жисмоний такомиллашувлари боис зарур шароитларни яратиш учун барча захиралару имкониятлардан фойдаланишга вазифадор этади.

Тожикистон раҳбарияти мустақиллик қўлга киритилган 1992 йилданоқ, ёшлар сиёсатини шакллантириш аҳамияти ва заруратини ҳисобга олган ҳолда, Тожикистон Республикасининг "Давлатнинг ёшлар сиёсати тўғрисида"ги қонунини қабул қилган бўлиб, зикр этилган ташаббус давлатнинг жамият фаол қатлами, яъни ўсмирлар ва ёшларга нисбатан алоҳида қизиқишининг ёрқин кўрсаткичи ҳисобланади.

Таъкидлаш жоизки, айнан мана шу ҳужжат қабул қилиниши билан янги давр авлодлари, яъни ватанпарвар, замонавий ақидаларга эга бўлган ёшларни тарбиялаш учун ҳуқуқий база ва қулай шароитлар яратилди.

Ҳукумат ташаббуслари ва доимий қўллаб-қувватлаши натижасида бугун ёшларимиз мустаҳкам ирода билан илм ўрганишиб, касб-ҳунар эгаллашмоқда. Севимли мамлакатимизни ободонлаштириш ва ривожлантиришга интилишмоқда.

Тожикистон давлат ва Ҳукумати миллий иқтисодиётнинг барча соҳалари учун ёш кадрларни тарбиялаш, ёш мутахассисларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳолатларини яхшилаш йўлида мунтазам чора-тадбирлар қабул қилмоқда.

Бу борада ёшларни илм ўрганиш, замонавий техника ва технологияларни ўзлаштиришга жалб этиш давлатимиз сиёсатининг муҳим йўналишларидан бири ҳисобланади. Биз бу мақсадни босқичма-босқич амалга татбиқ этиш инсон потенциалини ривожлантиришнинг асосий омили, давлат устувор тараққиёти ва унинг иқтисодий иқтидорини кучайтиришнинг муҳим шарти, дея ҳисоблаймиз.

Шунинг учун, Ҳукумат таълим жараёнини янада яхшилаш, педагоглар, бошланғич, ўрта ва юқори касбий таълим муассасалари ўқитувчиларининг касбий даражасини юксалтириш ҳамда бўлғуси кадрлар тарбияси жараёнига юқори малакали мутахассисларни жалб этиш масалаларига биринчи даражали аҳамият қаратади.

Ёшлар қалби ва онгида юксак миллий, ватанпарварлик ва ўзига хослик туйғусини тарбиялаш ҳам педагоглар ва ўқитувчилар, ота-оналар, зиёлилар ва жамоатчилик тўлиқ масъулият ва жиддий ёндошишлари зарур бўлган масалалардан ҳисобланади.

Ўсмир ва ёшларимиз шундай руҳда тарбияланишлари керакки, улар учун Тожикистоннинг ҳар бир қарич ери муқаддас саналсин. Ватан ҳимоясини эса, ўзларининг ўғлонлик бурчлари ва буюк шараф, деб билсинлар.

Мустақиллик йилларида мамлакатимизда давлат бошқаруви ва миллий қадриятларни эҳтиром этувчи ёш авлод вояга етганини қониқиш ва ифтихор билан таъкидлаб, бу жараён бундан кейин янада кенгайишига ишонч билдираман.

Биз ўсмирлар ва ёшларни миллий қадриятларга эҳтиром, қонунчилик, тартиб ва қонун талабларига риоя этиш руҳида тарбиялашимиз, уларни замонавий дунёнинг экстремизм, гиёҳвандлик, умуман, жиноятнинг ҳар қандай кўринишидан асрашимиз, улар орасида соғлом турмуш тарзини имкон қадар кўпроқ тарғиб этишимиз зарур.

**Азиз фарзандлар!**

Сизлар озод ва мустақил Тожикистон, бундай гўзал ва жаннатмакон мамлакатда яшаётганингиз, ноёб маданият ва маънавият ворислари эканлигингиздан фахрланишларингиз керак.

Шунинг учун, Ватанга самимий муҳаббат, унинг миллий манфаатларини ҳимоялаш, ўз билим ва замонавий маърифатингиз билан Тожикистонни халқаро майдонда ижобий, муносиб кўрсата олиш сизнинг асосий мақсадларингизга айланиши керак.

Сиз - ёшлар бизнинг умидимиз, катта ёшлилар эзгу режалари ва ниятлари, қадимий тожик миллатининг минг йиллик орзуларини амалга татбиқ этувчи ҳисобланасиз. Сиз бу буюк вазифани садоқат ва ифтихор билан ижро этишга вазифадорсиз.

Зеро, сиз Тожикистоннинг келажаги, бугун мустаҳкам пойдевори қўйилаётган севимли мамлакатимизнинг келгусидаги тараққиёт омили ҳисобланасиз. Ривожланган жамиятда унинг ўрнини мустаҳкамлаш сизларнинг мамлакат иқтисодий, сиёсий ва жамият ҳаётига қўшадиган фаол ҳиссангизга боғлиқ.

**Ушбу эзгу ниятлар билан Тожикистоннинг барча бахтли ёшлари ва сизлар, ҳурматли иштирокчиларни Ёшлар куни муносабати билан яна бир марта самимий табриклаб, ҳар бирингизга саломатлик, бахту саодат, халқ ва Ватанга хизмат қилиш йўлида интилиш, матонат ва мустаҳкам ирода тилайман.**

**Ҳамиша саломат бўлинг!**

*"Ховар" ТМАА.*

# Суғд вилояти янгиликлари

## МАҚСАД – ЁШ ОИЛАЛАРНИ МУСТАҲКАМЛАШ

Исфара шаҳрида энг яхши ёш оилалар вилоят танлови бўлиб ўтди. Халқаро оила куни муносабати билан ўтказилган мазкур танловда вилоятнинг 18та шаҳар ва ноҳиясидан келган ёш оилалар қатнашишди.

Суғд вилояти раиси ўринбосари Назира Ғаффорий танлов иштирокчиларини Халқаро оила куни билан табриклаб, уларга муваффақият тилади. Ғолибларга вилоят раиси совғалари топширилди. Совғаларни Тожикистон Республикаси Ҳукумати қошидаги Хотин-қизлар ва оила комитети раиси Идигул Қосимзода топширди. У танлов қатнашчиларининг оила ва оиладорлик ҳақидаги билимларини юқори баҳолар экан, бу каби тадбирларни ўтказиш ёш оилаларни мустаҳкамлашга ёрдам беришини таъкидлади.

Спитамен ноҳиясида эса, Халқаро оила кунига бағишланган тадбир қатнашчиларини ноҳия раиси Акрам Сулаймонзода табриклади. У байрам тадбирини ўтказишдан асосий мақсад соғлом оила, оиладорлик маърифати ва одобини тарғиб этиш, ёш оилаларни мустаҳкамлашга қаратилганини таъкидлади.

Турсун Ўлжабоев қишлоқ жамоатидан Олимовлар, Истиқлол қишлоқ жамоатидан Расуловлар, Хуррамзамин қишлоқ жамоатидан Мухторовлар оиласи турмуш тарзи билан танишган ёш эр-хотинлар Ватанни оиладан бошланишини ҳис этиб, улар каби аҳил, бир-бирини тушуниб, ҳурмат-эъзозда яшашга аҳд қилишди.

## ХАЙРЛИ ИШЛАР

Конибодом шаҳрида «Ер экологиясини бошқариш ва қишлоқда тирикчилик воситаларини яхшилаш» лойиҳаси доирасида аҳоли экинзорларини суғориш учун сув билан таъминлашни яхшилаш мақсадида чора-тадбирлар ўтказилмоқда. Лоҳутий, Р. Ҳамробоев ва Ғ. Ортиқов номли қишлоқ жамоатларида зовур ва ариқлар тозаланди. Бунинг учун экскаваторлар ажратилди. Қисқа вақт ичида тўрт километрдан ортиқ сув иншооти тозаланди.

Айни бир пайтда Конибодомда машина ҳайдовчилари ва йўловчилар учун қулайлик яратиш мақсадида кўчаларни асфалтлаш давом этмоқда. Жумладан, Ашурмат Қодиров номли кўчага 500 метр масофага мум ётқизилди.

Бу хайрли иш маҳаллий тадбиркор Тоҳиржон Маҳкамов томонидан амалга оширилди.

## АЖДОДЛАР МЕРОСИ ДАВОМЧИЛАРИ

Бобожон Ғафуров ноҳияси марказидаги маданият уйида Шашмақом кунига бағишланган концерт бўлиб ўтди. Тожикистон Халқ артисти Тўлқин Тожибоев раҳбарлигидаги ноҳия «Шашмақомхонлар» ансамбли ижросидаги концертдан юзлаб томошабинлар баҳра олишди.

Унда Жомий, Ҳофиз Шерозий, Камол Хўжандий, Ҳилолий, Сайидо, Туғрал каби мумтоз шоирлар шеърларига басталанган ашулалар ижро этилди. Шашмақом мухлислари ансамбл ва унинг яккахон ижрочилари – Тўлқин Тожибоев, Сирожиддин Худоймерганов, Носиржон Раҳимов, Азимбой Холов, Сурайё Бадалова, Барно Шарипова ва бошқа санъаткорлар маҳорат билан ижро этган мумтоз қўшиқларни жон қулоқлари билан тинглашди.

Ҳали мактабда ўқишларига қарамасдан, мамлакат миқёсидаги танловларда ғолиб чиқишган Гулноза Ғаффорова «Уфори савти калом»ни, Абдуқаҳҳор Ғаффоров «Уфори савти сабо»ни куйлашганда, Шашмақом мухлислари ёш санъаткорларнинг ширали, жозибали овозига, мумтоз ашулаларни усталик билан ижро этишганига қойил қолиб, уларни узоқ қарсаклар билан олқишлашди.

Ноҳия маданият бўлими бошлиғи Бимоҳрў Қосимийнинг айтишича, Шашмақомнинг янги-янги моҳир ижрочилари етишиб чиқаётгани ёшларнинг анъанавий қўшиқчиликка меҳр-муҳаббатини кўрсатади. Бу ёшлар ноҳияда туғилиб ўсган машҳур санъаткорлар - Шашмақом усталари сифатида эътироф этилган Боймуҳаммад Ниёзов ва Маъруфхўжа Баҳодировлар анъанасини давом эттиришмоқда.

Ноҳияда «Шашмақомхонлар» ансамбли аъзолари меҳнати қадрланиб келинмоқда. Концерт бошланишидан олдин ансамбл ҳофизлари ва созандаларининг катта гуруҳига Тожикистон Маданият вазирлиги, давлат ҳокимияти ноҳия ижроия органининг мукофотлари топширилди. Шашмақом куни арафасида ноҳия раиси Зариф Нозирий ансамбл аъзоларини янги мусиқавий асбоблар, кийим-кечаклар ва бошқа зарур жиҳозлар билан таъминлаш мақсадида каттагина маблағ ажратди.

## ЭНГ ЯХШИ МАҲАЛЛАГА – 50 МИНГ СОМОНИЙ

Вилоятдаги энг яхши, деб топилган маҳалла 50 минг сомоний билан мукофотланади. Бу вилоятда Тожикистон Республикаси Олий Кенгаши тарихий XVI сессиясининг 25 йиллиги муносабати билан ўтказиладиган танлов низомида белгиланди.

Мазкур танловни ташкил этишдан мақсад - маҳалланинг жамиятдаги ўрнини оширишга эришиш, ижтимоий-иқтисодий ривожланишга, ободончилик ишларига имконият яратиш, халқ миллий анъаналарини сақлаш, маданияти ва тарихини эъзозлашдан иборат.

«Энг яхши маҳалла» ғолибини аниқлаш учун вилоят комиссияси ҳайъати тасдиқланди. Вилоят раиси матбуот хизматидан билдиришларича, мусобақа вилоят шаҳар ва ноҳияларида жорий йилнинг 1 ноябригача давом этади.

Биринчи ўринни эгаллаган маҳалладан ташқари иккинчи ва учинчи ўринлар соҳибларини ҳам пул мукофотлари кутмоқда. Иккинчи ўринни эгаллаган маҳалла 30 минг сомоний ва учинчи ўрин соҳиби 10 минг сомоний билан мукофотланади. Шунингдек, танлов ғолиблари «Тожикистон Республикаси Олий Кенгаши XVI сессиясининг 25 йиллиги муносабати билан ўтказилган энг яхши маҳалла вилоят мусобақаси ғолиби» нишони билан ҳам тақдирланадилар.

## «КЕЛИНГ, КИТОБ ЎҚИЙМИЗ»

Хўжанд шаҳридаги Тошхожа Асирий номли вилоят кутубхонасида Ёшлар йили муносабати билан «Келинг, китоб ўқиймиз!» шиори остидаги тадбир бўлиб ўтди. Мазкур кутубхона директори Баҳром Мирсаидовнинг айтишича, ушбу тадбирдан кўзланган асосий мақсад – ёшлар қалбида китобга бўлган меҳр-муҳаббатни уйғотиш ва кучайтириш бўлиб, бу мақсадга эришилган.



Кун бўйи давом этган тадбирда Хўжанддаги олий ўқув юртлари, махсус таълим масканлари ва умумтаълим мактабларида ўқиётган 2 минг нафардан ортиқ йигит-қиз қатнашди. Улар кутубхонада ташкил этилган китоб ва журналлар кўргазмаси билан танишишди. Кўргазмага тожик, рус, инглиз ва бошқа тиллардаги 2000тага яқин китоб ва журнал қўйилганди.

Худди шу куни «Энг яхши китобхон» танлови ўтказилди. Икки босқичда ўтказилган бу танловда Хўжанддаги қирққа яқин таълим муассасаси ўқувчилари қатнашишди. Танлов ҳакамлари тўққиз нафар ўқувчини «Энг яхши китобхон», деб топишди. Улар орасида 1-лицейдан Меҳринисо Ҳошимова, 24-гимназиядан Мадина Зарипова, «Файз» хусусий мактабидан Манижа Зарипова, 1-гимназиядан Некрўз Шоражабов, 27- ўрта умумтаълим муассасасидан Муталлиб Маҳмудов каби китобсевар ўқувчилар бор эди.

*Ўз мухбир.*

## Ободончилик

**Агар биз мустақил ва озод давлатимизни севсак, биринчи навбатда, унинг пойтахтини обод қилишимиз лозим. Унинг тараққиёти учун барча мавжуд имкониятлардан фойдаланиб, дарҳақиқат, тамаддун яратувчи ва маданий, ободонлаштирувчи ва шаҳар бунёд этувчи миллат эканлигимизни исботламоғимиз зарур.**

––––––––––––––––––––––– *Эмомали РАҲМОН.*

# ДУШАНБЕ - мустақил Тожикистон сиймоси

Яқинда Тинчлик ва миллий бирлик асосчиси – Миллат пешвоси, Тожикистон Республикаси Президенти муҳтарам Эмомали Раҳмон ва Душанбе шаҳри раиси Рустами Эмомали мамлакатимиз пойтахти – Душанбе шаҳрида бир қатор муҳим ижтимоий иншоотлар қурилишини бошлаб беришди. Мамлакатимиз Президенти ва шаҳар раиси, жумладан, Тожикистон Республикаси Олий судининг янги биноси, Шоҳмансур ноҳияси 31-ўрта умумтаълим муассасаси, Тожикистон ва Британия халқаро мактаби, Абуали ибн Сино номли Тожикистон Давлат тиббиёт университетининг бош ўқув корпуси қурилишларига тамал тоши қўйишди. Шунингдек, Тожикистон Республикаси Соғлиқни сақлаш ва аҳолини ижтимоий ҳимоялаш вазирлигининг "Миллий референс лаборатория" давлат муассасасини тантанали тарзда очишди. Бундан ташқари Давлат сарвари ва шаҳар раиси пойтахт кўчаларида йўллар таъмири билан танишдилар.

Жорий йил феврал ойининг иккинчи ўн кунлигида "Кохи Борбад" давлат мажмуасида Тинчлик ва миллий бирлик асосчиси - Миллат пешвоси, Тожикистон Президенти муҳтарам Эмомали Раҳмон давлат ҳокимияти Душанбе шаҳри ижроия органи турли соҳалари раҳбарлари, фаоллари ва масъуллари билан мулоқот ўтказди.

Учрашувда муҳтарам Эмомали Раҳмон пойтахт иқтисодий-ижтимоий тараққиёти Давлат раҳбарининг доимий назорати остида турганлигини таъкидлади. Мустақиллик йилларида Душанбе шаҳрининг турли соҳалари иқтисодиётини тиклаш учун 18,6 миллиард сомоний сарфланган бўлиб, фақат 2016 йилда бу мақсад учун 2,1 миллиард сомоний ажратилганлиги қайд қилинди.

Давлат ҳокимияти Душанбе шаҳри ижроия органи пойтахтни ободонлаштиришда мамлакат Президентининг кўрсатма ва топшириқларига амал қилиб, пойтахт ноҳияларининг алоҳида минтақаларида агротехника қоидалари асосида манзарали ва сояли дарахт кўчатлари ўтказишни режалаштирган. Мазкур тадбирлар Душанбе шаҳри раисининг 6 феврал 2017 йил қабул қилган «Душанбе шаҳрини ободонлаштириш – пойтахт фуқаросининг рисолати» шиори остида «150 ободонлаштириш ва бунёдкорлик, ниҳол ўтказиш ва кўкаламзорлаштириш кунлари эълон қилиш тўғрисида»ги 52-рақамли қарори бўйича ўтказилмоқда. Мазкур қарорга кўра, пойтахтда 32998 туп манзарали ва соя берадиган дарахт кўчатлари ўтказилиши кўзда тутилган.



Айниқса, халқаро Наврўз байрами арафасида Душанбе шаҳрида ободонлаштириш ишлари кучайтирилди. Шаҳарнинг айрим кўчалари замонавий тарзда безатилганлиги шундан далолат берарди.

Давлат ҳокимияти Душанбе шаҳри ижроия органи кўрсатмаси билан С. Шерозий хиёбони ва Соҳили кўчаси кўча бўйи гулзорлари янгидан ишланиб, бу минтақалардаги гулзорлар замонавий гуллар билан безатилди.

Умуман, мавсум бошидан буён Душанбе шаҳри ҳудудида 35046 туп манзарали, соя берадиган, мевали ва бута ниҳоллар ўтказилиб, 94469 квадрат метр майдонда гулзорлар ва 40316 квадрат метр майдонда майсазорлар яратилди.

Давлат бошлиғи томонидан шаҳарда, айниқса, шаҳар маҳаллалари, кўпқаватли истиқомат биноларида шаҳардорлик маданиятига риоя этмаслик бизнинг қадимий ва бунёдкор миллатимизга тўғри келмаслиги ҳақида ташвиш билдирилганди.

Мазкур масаланинг муҳимлигини эътиборга олган ҳолда, шаҳар раиси томонидан «Пойтахтда ободончилик ва бунёдкорлик ишларини жонлантириш, шаҳарда яшаш маданияти ҳамда масъулиятини тарғибу ташвиқ этишнинг муштарак гуруҳини таъсис этиш тўғрисида»ги қарори чиқарилди. Шаҳар ижроия органи масъулларининг муштарак гуруҳ таъсис этишдан асосий мақсади жамият тартиби ва ободончилиги қоидалари, Душанбе шаҳрида санитария ҳолати ҳамда Пойтахт фуқароси дастур-программаси моҳиятини шаҳар аҳолисига етказишдан иборатдир.

Шоҳмансур-1, Қазоқон, М. Турсунзода, Сариосиё, Роҳи нав маҳаллалари билан учрашув жараёнида муштарак гуруҳ аъзолари «Фарзандлар таълим ва тарбиясида ота-оналар масъулияти тўғрисида», «Анъаналар, тантаналар ва урф-одатларни тартибга солиш тўғрисида», «Аҳолининг экологик маърифати тўғрисида»ги Тожикистон Республикаси қонунлари ҳамда Душанбе шаҳри раисининг 26 май 2015 йил чиқарилган «2020 йилгача бўлган даврда Душанбе шаҳри аҳолисининг комплекс тарбияси ва экологик маърифатини ошириш Давлат дастури тўғрисида»ги каби қарорлари моҳияти тўғрисида сўз юритилди. Айниқса, аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлаш, шаҳарчалар ички автомобил йўллари ҳолатини яхшилаш, янги иш жойлари яратиш ҳамда ахлатларни ўз вақтида йиғиштириб олиш каби долзарб масалалар юзасидан суҳбатлар уюштирилди. Юқорида тилга олинган масалалар доимо шаҳар масъуллари диққат марказида эканлиги алоҳида таъкидланди.

Шаҳардорлик маданиятини ошириш, кўпқаватли бинолар ва уларнинг теварак-атрофини тоза ва озода сақлаш мақсадида шаҳарча ҳамда маҳаллалар аҳолисини жалб этган ҳолда, 11, 18, 25 феврал ва 4, 11, 18 март кунлари пойтахт ноҳияларида умумхалқ ҳашарлари ўтказилди.

Давлат ҳокимияти Душанбе шаҳри ижроия органи Атроф-муҳит ҳимояси бошқармаси шаҳар атмосферасини тоза сақлаш мақсадида бир қатор тизимлар билан ҳамкорликда «Ҳаво тозалиги» акциясини ўтказганлиги ҳам иш манфаатига хизмат қилганлиги табиий.

Ишончимиз комилки, пойтахтимиз аҳолиси «150 ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш кунлари» тадбири доирасида бунёдкорлик ишларида фаол қатнашиб, ўзлари яшайдиган манзилларининг бир қитъасини обод айлайдилар ва шаҳримиз ҳуснининг янада гўзаллашувига ўз ҳиссаларини қўшадилар.

*Саидаҳмад АКРАМПУР, Душанбе шаҳри Атроф-муҳит ҳимояси бошқармаси ахборот бўлимининг бош мутахассиси.*

# Хатлон вилоятидан хабарлар

### Таълим ва тарбия диққат марказида

Давлат ҳокимияти Хатлон вилояти ижроия органи қошидаги Мориф соҳасини ривожлантириш бўйича кенгашнинг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди. Йиғилишда вилоят раиси ўринбосари Махфират Хидирзода иштирок этди.

Вилоят Маориф соҳасини ривожлантириш бўйича кенгаши аъзолари интернатлар ва қўшимча таълим муассасалари фаолияти, Хатлон вилояти шаҳар ва ноҳияларида 2013-2020 йиллар учун ёшларни тарбиялаш давлат дастури қарори бажарилиши жараёни, Тожикистон Республикаси Ҳукуматининг Хатлон вилояти олий ўқув муассасаларида «2016-2020 йиллар учун олий касбий мутахассисларни тайёрлаш давлат дастури тўғрисида»ги қарорининг бажарилиш масалалари муҳокама қилинди. Бундан ташқари, абитуриентларнинг миллий тест марказларида қайддан ўтиш масаласи ҳам кўриб чиқилди.



Биринчи ва иккинчи масалалар юзасидан Хатлон вилояти Маориф ва илм бошқармаси бошлиғи Диловаршо Исоев сўзга чиқди. Олий маълумотли касбий мутахассисларни тайёрлаш масаласи юзасидан Н. Хусрав номли Қўрғонтепа Давлат университети ректори Шоди Маҳмадов чиқиш қилди.

- Маориф ва илм соҳасида амалга оширилаётган барча давлат дастурлари таълим ва тарбия жараёнининг равнақига бағишланган, - деди вилоят раиси ўринбосари Махфират Хидирзода. – Дастурлар талабига биноан, ишлар даврларга тақсимланиб бажарилиши кўзда тутилган.

М. Хидирзода давлат дастурларининг аниқ пунктларига тўхталиб, тегишли шахсларга уларнинг бажарилиши юзасидан топшириқлар берди.

Йиғилишда, шунингдек, таълим муассасалари қошида амал қилаётган тиббий нуқталар фаолияти ҳамда ўқувчиларнинг ёзги таътилини ташкил қилишга доир тегишли масалалар ҳам муҳокама қилинди.

### Юбилейга бағишланган тадбир

Бирлик ва миллий тотувлик байрамининг 20 йиллигига бағишланган тадбирлар «Маърифат карвони» доирасида Балжувон ноҳиясида бўлиб ўтди.

Тадбир жараёнида ноҳиядаги 20та намунали оиланинг ёшлар билан учрашуви ташкил этилди. Улар ёшларга оилавий ҳаётларининг энг яхши лаҳзаларидан сўзлаб беришди ва бахтли яшаш сирлари ҳақида қимматли маслаҳатлар билан ўртоқлашдилар.



Давлат ҳокимияти Хатлон вилояти ижроия органи Ижтимоий тараққиёт ва жамоатчилик билан алоқалар бўлими мудири Бобожон Саидовнинг хабар беришича, бундай учрашувларнинг ўтказилиши ёшларни тўғри тарбиялаш ва оила устуворлигига хизмат қилади.

- Тинчлик ва миллий бирлик асосчиси – Миллат пешвоси, Тожикистон Республикаси Президенти муҳтарам Эмомали Раҳмон оила мустаҳкамлиги, унинг мақоми, иқтисодий ҳамда ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш, ёш оилаларни қўллаб-қувватлашга катта эътибор қаратади, - деди Б. Саидов.

Тадбир доирасида Кўлоб шаҳрининг «Фалак» ансамбли санъаткорлари «Сайф Раҳим» қишлоқ жамоатининг Зарнисор қишлоғи аҳолиси олдида концерт дастури билан чиқиш қилишди. Балжувон қишлоқ жамоатида халқ ҳунармандчилиги маҳсулотлари намойиши ўтказилди. Бу ерда Кўлоб шаҳридаги Сайдали Вализода номли театр артистлари концерт қўйишди.

Ноҳия марказида вилоятнинг таниқли ёзувчи ва шоирлари аҳоли билан учрашди, Чорбоғ қишлоғида спорт мусобақалари ўтказилди.

### Спартакиада якуни

Республика олий ва ўрта махсус ўқув юртлари ўртасида ўтказилган спартакиаданинг якуний босқичи Тожикистон Давлат молия ва иқтисод институтида бўлиб ўтди.

Носир Хусрав номли Қўрғонтепа Давлат университети бирлашган касаба иттифоқи комитети раиси Маҳмадкарим Шокаримовнинг хабар беришича, тадбир Тожикистон Республикаси Маориф ва илм вазирлиги касаба иттифоқи комитети ташаббуси билан ташкил қилинди.

Мусобақаларда қатнашган Қўрғонтепа Давлат университети мини-футбол жамоаси биринчи ўринни қўлга киритиб, диплом ҳамда Тожикистон Республикаси Маориф ва илм вазирлигининг кубоги билан тақдирланди.

Олийгоҳ талабалари – Муҳриддин Шодиев, Фируз Ризомов ва Давлат Арбобовлар мусобақаларда фаол қатнашишди. Олийгоҳнинг шахматчилари спортнинг бу тури бўйича ўтказилган мусобақаларда учинчи ўринни эгаллашга муяссар бўлишди.

### Талабалар экстремизм ва террорчиликка қарши

Хатлон вилояти Кўлоб минтақаси ҳуқуқ ҳимояси органлари ходимларининг студент ёшлар билан учрашуви А. Рўдакий номли Кўлоб Давлат университетида «Террорчилик – замоннинг зарарли тамойили» мавзусида бўлиб ўтди. Учрашув ташаббускорлари Тожикистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Хатлон вилояти бошқармаси ҳамда давлат ҳокимияти Кўлоб шаҳри ижроия органи эди.

Учрашувда Кўлоб шаҳри раисининг биринчи ўринбосари Рустам Неъматзода, Тожикистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Хатлон вилояти бошқармаси бошлиғи Искандар Солеҳзода, А. Рўдакий номли Кўлоб Давлат университети ректори Абдулло Ҳабибулло, Кўлоб минтақаси ноҳиялари ички ишлар бўлимлари бошлиқлари, ҳуқуқ ҳимояси ходимлари, олийгоҳ ўқитувчилари ва талабалари қатнашишди.

Йиғилишда жамиятимиз учун бегона ва зарарли бўлган террорчилик ва экстремистик ғояларга берилиш зарарлари ҳамда оқибатлари кенг муҳокама этилди.

И. Солеҳзода Тожикистон Республикасининг «Фарзандлар таълим ва тарбиясида ота-оналар масъулияти тўғрисида»ги қонуни моҳиятига тўхталиб, ёшлар таълим ва тарбияси учун ота-оналар ҳамда ўқув муассасаларидан ташқари, кенг жамоатчилик ҳам масъул эканлигини алоҳида қайд қилиб ўтди.

- Биз сиёсий ҳушёрликни қўлдан бермаслигимиз лозим, - деди И. Солеҳзода. – Шу билан бирга, ёшлар азиз Тожикистонимиздаги барқарор тинчликнинг қадрига етишлари зарур.

Ўз навбатида студент-ёшлар вакиллари террорчилик ва экстремизм каби зарарли оқимларга қарши чиқиш қилдилар.

*Ўз мухбир.*

# БАЛХИЙ ИЖОДИГА ЭҲТИРОМ

Бобожон Ғафуров ноҳиясидаги академик Бобожон Ғафуров номли Республика музейида Ёшлар йили, Миллий бирлик ва тотувликнинг 20 йиллиги ва буюк шоир, аллома Жалолиддин Балхийнинг 810 йиллиги муносабати билан илмий-адабий конференция ўтказилди. Бу тадбир Бобожон Ғафуров ноҳияси маориф бўлими, хусусан, мазкур бўлимнинг ўзбек тили ва адабиёти фанлари маслаҳатчиси Роҳинисо Раҳмонбердиеванинг саъй-ҳаракати билан ташкиллаштирилди.



Ушбу тадбирда Бобожон Ғафуров ноҳиясидан ташқари Суғд вилоятининг Истаравшан, Ашт, Жаббор Расулов, Спитамен, Деваштич, Шаҳристон, Зафаробод каби шаҳар ва ноҳияларидан келган ўзбек тили ва адабиёти фанлари ўқитувчилари иштирок этишди.

Конференцияда олимлар – филология фанлари доктори, профессор Абдусалом Абдуқодиров «Жалолиддин Балхий ижодида ёшлар маънавий камолоти масаласи», филология фанлари номзоди, доцент Бахтиёр Файзуллоев «Жалолиддин Балхий ижодининг ўзбек ва тожик тилларида таълим берилувчи умумтаълим мактабларида ўрганилиши», Республика ўқитувчилар малакасини ошириш институтининг Суғд вилояти филиали гуманитар фанлар кафедраси катта ўқитувчиси Марҳабо Юнусова «Оила масаласи ва Балхий ҳазратларининг оиладаги тарбия мезонига таъсири» мавзуларида чиқиш қилишди. Бахтиёр Файзуллоев ҳазрат Балхий «Маснавийи маънавий»сининг марҳум шоир Асқар Маҳкам томонидан қилинган таржимаси ўзбек мактабларида Мавлоно ижодини ўрганишда катта хизмат қилишини алоҳида таъкидлаб ўтди.

Конференцияга йиғилганлар академик Бобожон Ғафуров номли музей директори, тарих фанлари доктори, профессор Ҳабибулло Холжўраев ва Республика ўқитувчилар малакасини ошириш институтининг Суғд вилояти филиали директори ўринбосари, филология фанлари номзоди, доцент Шавкатжон Рустамовнинг чиқишларини ҳам қизиқиш билан тинглашди.

-Бугун ҳазрати Жалолиддин Балхий (Румий) ижодиётини фақатгина Шарқда эмас, балки Ғарб мамлакатларида ҳам қизиқиш билан ўрганишмоқда, - деди Ш. Рустамов.

Тадбирда Тожикистон Халқ артисти Тўлқин Тожибоев ҳазрат Балхий шеърларига басталанган ашулаларидан ижро этди. Шоир Абдурашид Учқун ўз қаламига мансуб шеърларини ўқиб берди. Мактаб ўқувчилари Мавлоно шеърларини ёддан ўқишди.

Конференцияга йиғилганлар бу каби тадбирларнинг ёшлар қалбида ҳазрат Балхий каби мумтоз шоирлар ва умуман, шеърият, адабиёт, китобга меҳр-муҳаббатни, Ватанга садоқат, тинчлик ва бирдамликни улуғлаш ҳиссиётини кучайтиришини таъкидлашди.

*А. АБДУРАҲМОНОВ, Бобожон Ғафуров ноҳияси.*

**НУҚТАИ НАЗАР**

# БЕТНИНГ ҚАТТИҒИ – ЖОННИНГ ҲУЗУРИ

Тожикистон Республикаси давлат мустақиллигини қўлга киритгандан сўнг, демократик ва дунёвий бошқариш тизимини танлаган эди. Бироқ ўтган асрнинг тўқсонинчи йиллари бошида қулай фурсат кутиб ётган, бир гуруҳ манфаатпараст ва хурофотпараст мазҳабчиларнинг хиёнаткорона амалларига рўпара келди. Ўша пайтлари ТИТПнинг бузғунчиликка қоришган фаолияти натижаси ўлароқ, мамлакатимизда диний-мазҳабий нотўғри тушунча ва хурофот кенг томир ёйди ҳамда тожик жамоатчилигининг аксарияти бегоналарнинг психологик ва мафкуравий босими таъсири остида қолди. ТИТП ва баъзи «таниқли» Ислом руҳонийларининг бузғунчи диний-мазҳабий мафкурасини тарғиб этиш ўтган асрнинг тўқсонинчи йилларида мамлакатда сиёсий, ижтимоий, иқтисодий, маданий қарама-қаршиликлар ва натижада, умуммиллий инқирозни вужудга келтирди. Тожикистоннинг оловли минтақаларидаги халқ тартибсизликлари кучайди. Шундай қилиб, улар фуқаролик урушининг асосий сабабчисига айланди.

ТИТП Тожикистондаги фуқаролик урушининг асосий сабабчиси бўлишига қарамай, Муҳиддин Кабирий ТИТП раиси лавозимига келганидан кейин, турли баҳоналарни рўкач қилиб, натижада ҳокимият ва давлат эгаси бўлишга интилиб қолди. Наҳзатчиларнинг янги лидери М. Кабирийнинг сиёсий ўйинлари, ёлғон ва алдовлари тезлик билан маҳаллий ва хорижий оммавий ахборот воситаларида турли мишмишларни вужудга келтириб, нотинч ва беқарор муҳит яратиш учун йўл ҳозирланди. Сиёсий қудратга эришиш ТИТП ва хусусан, Кабирийнинг доимий, таъбир жоиз бўлса, айтиш мумкинки, «тарихий» орзуси эди. У бу мақсадига эришиш учун номуссизларча ҳар қандай йўл ва воситадан ўзини тиймади. Тожикистонда тинчлик ўрнатилганидан сўнг, ҳукм сурган демократия ва сўз эркинлигининг қулай фурсатидан фойдаланиб, ТИТП раҳбарияти ва наҳзатчилар доирасига яқин бўлган муллалар ўзларининг бузғунчи ақидаларини тарғиб этиш ортидан одамлар онгини заҳарламоқчи бўлишди. Кабирийнинг бундай аянчли амалларини айрим мамлакатларнинг бузғунчи ва мазҳабий доиралари ҳамда баъзи эркин маҳаллий ва хорижий оммавий ахборот воситалари ҳар томонлама қўллаб-қувватлади. Бироқ миллий давлатда ёт ғоя, мисол учун наҳзатчиларнинг чириган идеологияси ҳеч қачон ўрин эгаллай олмаслигидан бехабар эдилар. Шундай бўлса-да, Кабирий орномусни бир четга суриб, бўлар-бўлмас гаплар, ўзини доно, кийиниш тарзи ва нутқ сўзлашда замонавий қилиб кўрсатиб, омма орасида тезлик билан обрў орттирди. Ўзини тожик миллати ва жамияти нажотчиси, дея аташгача борди. Яна бир марта қуйидаги масалага қайтиш жоиз, деб биламиз: Кабирий ва унинг ҳамтовоқлари қайси идеология ва сиёсий мақсадлари билан миллий давлат қурмоқчи эдилар? Табиийки, минг йиллар давомида тожик жамиятини қул қилиб, бошига бахтсизликлар келтирган ёт идеология билан, албатта. Айни пайтда ҳам, ТИТП томонидан халқимизга қаратилган мазҳабий қул қилиш фабрикаси ишлаб турибди ҳамда наҳзатчилар ташқарида яширин ҳолда, ҳозиргача бегона охундийлар мафкурасини тарғиб этиб келаётганликларини ҳам айтиб ўтиш лозим. Мазҳабий алдов ва найрангларни кенг тарқатиш, бу йўл билан нон топиб, ном қозониш наҳзатнинг асосий мақсади эди ва айни пайтда ҳам шундайлигича қолмоқда. Бепарво ва бехабар ўлжани қўлга киритиш мазҳабчиларнинг тарихий исботланган усули сифатида тан олинган. Иш шу даражага бориб етганки, Кабирий бир эшикдан ташқарига чиқса, иккинчисидан кириб келади. Бу эса, халқнинг: -Бетнинг қаттиғи - жоннинг ҳузури, мақолини эсга солади. Ҳа, бундай бети қалин киши номуссизларча ҳар бир эшикка бош суқади ҳамда моддий етишмовчилик ва табиий ғаразларига эришиш учун жон-жаҳди билан «ҳаракат» қилади. Бундай кишини, шубҳасиз, Муҳиддин Кабирий қиёфасида кўриш мумкин.

Сиёсий шахслар, мисол учун фаолияти тақиқланган ТИТП раҳбари Муҳиддин Кабирийнинг баъзи исломий ва Ғарб мамлакатларининг мазҳабий доиралари томонидан очиқ-ошкора қўллаб-қувватланаётганлиги бизни бундай «миллий қаҳрамонлар» сиёсий ўйинларни дастурловчиларнинг асосий қуролига айланиб қолаётганлигига ишонтиради. Бу эса, минтақада қарама-қаршилик ва нотинчлик юзага келишига сабаб бўлиши мумкин. Хорижий нашрлар ҳамда ижтимоий тармоқлар томонидан бундай кишилар қиёфасидан хабар яратувчи шахслар сифатида фойдаланиш, юқоридаги хатарларнинг хавфи икки баравар кучайишига туртки бўлиши аниқ.

Маълумки, охирги бир неча йил давомида Ғарб давлатларининг тор доирадаги сиёсий ва маданий гуруҳлари томонидан ТИТП қочқин раҳбари ва унинг парда ортидаги ҳамтовоқларининг ҳам руҳан ва ҳам молиявий томондан қўллаб-қувватланиб келинаётгани ички ва ташқи муҳитда минтақадаги келишмовчиликлар сабабига айланмоқда. Бундан ташқари, террорчи партия бўлган наҳзат қудрат ва салтанат эгаси бўлиш истагини очиқ-ойдин баён этадиган бўлди. Бир неча йил илгари Кабирий ва унинг партияси иқтисодий-молиявий томондан таъминланганлиги ва ўзини имкон қадар тиклай олиши (албатта, хорижлик хожалари кўмагида) наҳзатнинг қудрат эгаси бўлиш ниятида сиёсий ва маъмурий элитага яқинлашаётганлигини билдирарди. Ташқаридаги кучларнинг ТИТП билан четдан туриб ҳамкорлик қилишлари бундан кейин минтақада ўзларининг сиёсий, иқтисодий ва геосиёсий дастурларини амалга ошириш учунгина бўлган.

Барчага маълумки, ўтган асрнинг тўқсонинчи йиллари аввалида юзага келган сиёсий-ҳарбий нотинчликлар ТИТП «ташаббуси» билан вужудга келиб, унинг натижасида Тожикистоннинг юз минглаб фуқароларини ўлимга гирифтор этди. Бунда эса, наҳзат парда ортидагиларнинг махсус топшириқларини амалга ошириш орқали иштирок этди. Бундай «фаол иштирок меваси»ни ҳар бир ўрта ҳамда кекса ёшли тожикистонликлар сиймосидаги гувоҳликда кўриш мумкин. Бироқ Кабирий ва унинг маслакдошлари юзларига номуссизлик пардасини тортиб, асосий мақсадлари – теократик давлат тузумини қуриш йўлида қадам ташламоқда. Шунинг учун ҳам, Кабирий ва наҳзат мухлисларининг ижтимоий тармоқлар ва ташқи нашрлар орқали тарқатилаётган турли найрангларига ишонмаслик лозим. Чунки унинг оқибати хору зорлик, бахтсизлик, менталитетсизлик ва саргардонликдан бошқа нарсага олиб бормайди. Бу фақат наҳзатчиларнинг ташқи ҳаракати кўриниши бўлиб, халқни сохта ва сунъий шиорлар билан ўзларига жалб этишни исташади. Аслида эса, уларнинг фикрида (асоссиз ваъда ва даъволари, ташқаридан дилкаш, аслида эса, наҳзатчиларнинг ёвуз ва ғаразли хабарлари турганини назарда тутилмоқда) халқни тўғри йўлдан адаштириб, қул қилиш режаси ётибди.

Бугун ҳам ТИТП ва шахсан Кабирийнинг минтақадаги маслакдошлари очиқ-ойдин ва сиртдан уни қўллаб-қувватлашмоқда. Бу билан улар минтақада сиёсий можаролар аланга олиши учун ҳар томонлама ўз «ҳиссалари»ни қўшишмоқда. М. Кабирий ўзини намойишкорона кўрсатиш билан Европа миқёсида сиёсий баҳо олишни истайди. Агар уни бир минтақада қабул қилмасалар, бошқасига кўчиб ўтади. У ерда ҳам ўз ўрнини топа олмаса, яна бир Европа мамлакатини кўз остига олади. Шундай қилиб, яшаш жойини доимий равишда ўзгартириб, дод-фарёд чекади. Ажабланарлиси шундаки, Кабирий ўзининг бети қалинлиги билан нафақат минтақада, балки Европа ва Америкада ҳам «обрў» топди. «Бети қалинлик» режаси асосида асл демократик ва инсонпарвар Европадан исломий динпараст инсон учун маблағ талаб қилади. Бу билан эса, халқаро миқёсда ўз обрўсини тўкмоқда. Кабирий ақл ва мантиқ асосига қурилган Европа ва Америка маданий жамиятига «фурсат пойлаб ётган» сиёсий қиёфасида қўл узатиб, ёлғон сиёсий обрў олиш кераклигини яхши билади. Бу ТИТП қочқин раҳбарининг энг олий даражадаги бети қалинлигидир. Албатта, фурсати етиб, бу бети қалинлик асл жойи зиндон бўлган ҳақиқий «ўрнини» топади. Шу билан наҳзатчиларнинг ёлғонлари, халқни алдаши ва найранглари халқаро даражада ошкор бўлади. Бироқ айни пайтда Тожикистоннинг шарафли халқи огоҳликни қўлдан бой бермай, ичкари ва ташқаридаги наҳзатчиларнинг алдовлари тузоғига илиниб қолмасликлари керак.

*Фаридун ОРИЁЙИЙ.*

Махсус мақола

# ФАРМОНЛАР ИЖРОСИДАГИ СОВУҚҚОНЛИК - ТАРТИБСИЗЛИКЛАР ОМИЛИ

**Қонун – майда пашшалар илиниб, йириклари қутулиб қоладиган тўр эмас.**

---------------------------------- *Оноре де БАЛЗАК.*

Қонун устуворлиги ва фармонлар ижросининг сўзсиз таъминланиши, жамиятнинг бир маромдаги тараққиёти, жамоатчилик тартиб-интизоми мустаҳкамлигининг бош кафолатидир.

Устувор тартиб-интизомга асосланган жамият ҳар жиҳатдан: ҳам иқтисодий-ижтимоий, ҳам маданий-сиёсий равнақ топишнинг тўғри йўлидан боради.

Бежизга, озод яшашни истасанг, қонуннинг қули бўл, дейишмаган файласуфлар.

Қолаверса, давлат қонунчилиги доирасидаги ҳар бир қонун ва фармонларнинг ҳаётга тўлақонли татбиқ этилиши, талабларининг астойдил бажарилиши фуқаролик жамиятида инсон ҳақ-ҳуқуқлари, умуман, унинг омили билан боғлиқ қадриятларнинг ардоқланишига олиб келади.

Яна бир нарсага алоҳида эътибор қаратиш лозимки, айрим қонун ва фармонлар ижросининг шаффоф таъминланиши, эл ва юрт келажаги бўлган ёш авлодга мукаммал тарбия бериш йўлида фойдадан холи бўлмайди...

Агар юқорида ёзганларимизга зид ҳолат манзараси рўёбга чиқадиган бўлса, унда жамият ижтимоий, иқтисодий, маданий соҳаларининг ривожу равнақида сусткашлик, «оқсоқ»лик юзага келади.

Кейинги пайтларда Давлат бошлиғи кўрсатмаси билан мамлакат Маориф ва илм вазирлиги томонидан тарбия жабҳасини соғломлаштириш борасида бир қатор фармонлар берилди.

Жумладан, олий ўқув юртлари талабаларининг таълим жараёнларига шахсий машиналарда келишларини тақиқловчи фармон.

Мазкур фармон чиққанидан буён, гарчи анча вақт ўтган бўлса-да, айрим маълумотлар унинг ижросига панжа орасидан, совуққонлик билан қараб келинаётганлигини кўрсатди.

Хусусан, Тожикистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги тарқатган далилларга кўра, 2017 йилнинг ўтган даври бадалида йўл ҳаракати қоидаларига итоат қилмай, қонунбузарликка қўл урганларнинг уч юз нафари олий ўқув юртлар талабалари.

Тартиббузарларнинг аксарияти Тожикистон Миллий университети ҳуқуқшунослик факултетида таҳсил олувчилардир.

Хўш... Келинг, энди келтирилган далилларни адолат тарозига солиб, таҳлил қилиб кўрайлик.



Биринчидан, Миллий дорилфунуннинг ҳуқуқшунослик куллиётига кириб ўқиш, ҳар қандай оила фарзандларига ҳам насиб этавермайди. Аниқроғи: йўл бўлсин!..

Тўғри, мамлакат олий ўқув юртларига кириш имтиҳонларида ҳалолликни йўлга қўйиш учун Тожикистон Республикаси Президенти қошида таъсис этилган Миллий тест маркази фаолияти туфайли омади чопиб, ушбу олийгоҳ талабаси бўлиш бахтига муяссар бўлган ўртамиёна оилаларнинг фарзандлари амал-тақал қилиб, билим олишади, ҳатто, улар учун баъзан йўл кира муаммо бўлиб қолади. Бундай ҳолат ҳаётда кўп марта кузатилган.

Унда қоидабузарлар ким!?.

Қуйида билдирадиган фикрларимиз амали бор жанобларнинг нафсониятларига тегса ҳам, аччиқ ҳақиқатни ёзишга мажбурмиз. Зеро, тартиб бузувчиларнинг кўпчилиги уларнинг «олтин фарзанд»лари – эркатойларидан бошқа ҳеч ким эмас.

Давлат хизматчиси бўлган «қадрли» мансабдорлар бир марта бўлсин, зурриётлари қулоғига бу қонун ёки фармоннинг ижро этилиши ҳам қарз, ҳам фарз эканлигини «қўрғошиндек қуйиб», насиҳат қилиб қўймайдилар. Гўёки бу нарса уларни эгардан туширади, нуфузини ерга уриб, пасайтириб қўяётгандек.

Пировардида, арзанда фарзандлар на давлат автомобил назорати ходимини, на йўл ҳаракати қоидаларини назар-писанд қилмай, оёқ ости қилишдан тап тортмайдилар. Натижада, қоидабузарликлар урчиб бораверади.

Бундай кўнгилсизликларнинг кўпайишига «равон» йўл очиб берадиган яна бир иллат – олий ўқув юртлари маъмуриятлари қошида қонун ва фармонлар ижросини назорат қилувчи комиссияларнинг йўқлиги, борларининг ҳам фаолияти ўлда-жўлда эканлигидир...

Қабул қилинган ана шундай фармонлардан бири: ўрта ва олий таълим муассасаларида уяли телефонлардан фойдаланишни тақиқлаш тўғрисидадир.

Рости гап, бу фармоннинг ижроси ҳақида ҳам бирор-бир иликроқ фикр билдириш амри маҳол бўлиб туюлади, кишига.

Тасаввур қилинг, ўзининг «счёти» йўқлиги учун ўқитувчи ўқувчидан телефон сўраб, яқинлари билан суҳбатлашиб оладиган таълим муассасасида фармоннинг ижроси ҳақида гап бўлиши мумкинми?!.

Буниси ҳам ҳали ҳолва. Ҳар бир ўқувчи ва талабанинг икки-учтадан телефон олиб юришига нима дейсиз?!.

Уларнинг телефондан «шпаргалка» вазифасида фойдаланишларига-чи!?.

Хуллас, бу борада ўрта ва олий таълим муассасаларида ўқувчи ҳамда талабалар «ўзи хон, кўланкаси майдон» қабилидаги мавқега эгадирлар.

Аслида, бу фармонларнинг ҳаётга татбиқ этилишига бағишланган йиғилишларда бир дунё «оламшумул» тадбирлар ишлаб чиқилганлиги билан боғлиқ «қоп-қоп» гаплар айтилади, «қулоч-қулоч» қарорлар қабул қилинади.

Ҳаётдаги бор ҳақиқат эса: - Ҳолва, деган билан оғиз чучимайди. Қўйинлар пуч ёнғоққа тўлалигича қолаверади...

Мақолани якунлайман, деб турган жойда, Тинчлик ва миллий бирлик асосчиси – Миллат пешвоси Тожикистон Республикаси Президенти муҳтарам Эмомали Раҳмоннинг яқин йиллардаги бир фармони ёдимга тушди.

Эҳтимол, бу фармон ўз ижрочиларининг хаёлидан кўтарилиб кетган бўлса ҳам, ажаб эмас.

У фармоннинг «исми-шарифи» «Хизмат машиналаридан шахсий манфаатларда фойдаланмаслик тўғрисида».

Дарҳақиқат, бу фармон ҳозирги кунда ҳам ўз кучини йўқотган эмас.

Аммо...

Кўча-кўйларда шаҳар ва ноҳиялар, ташкилоту идораларнинг «биринчи хонимлари», уларнинг бола-чақаларини миндириб юрган хизмат машиналарини хоҳлаганча учратиш мумкин.

Демак, бу фармон ижросининг ҳам «оёғи осмонда»...

Хулоса қилиб айтганда, жойларда қонунлар риояси, фармонлар ижроси назоратини кучайтириш лозим. Акс ҳолда, ҳаётимизда жамият «юзи»га «қора доғ» мисол тушиб, «оғриқли нуқталар»га айланиб қоладиган нуқсонлар «дарахти» янада чуқурроқ илдиз отаверади.

Чунки инсоний фазилатларга бегона, Ватани, халқи тақдирига совуққонлик билан қараган одамдан хавфлироқ кимса йўқ.

Совуққонлик эса, турфа жиноятларнинг «онаси»дир...

*Абдуҳафиз МИРЗААҲМЕДОВ, «Халқ овози»нинг махсус мухбири.*

---

**Рамазон – муборак ой**

# БИР-БИРИМИЗГА МЕҲРИБОН БЎЛАЙЛИК!

Мана, ҳаммамиз учун муборак ва азиз бўлган Рамазон ойи ҳам бошланяпти. Барчамиз орзуқиб кутган муборак ойга етказгани учун Яратганга шукр айлаймиз. Ва аввало, ҳар бир хонадон, маҳалла, шаҳар ва қишлоқ, севимли Ватанимиз - Тожикистонда тинчлик-омонлик, дастурхонларимиз тўкин, кўнгилларимиз хотиржам бўлишини Аллоҳдан сўраб қоламиз.

Азизлар, ҳар биримиз Рамазон ойи рўзасини тутишни кўнглимиз туб-тубидан ният қилиш билан бирга, айнан эл-юрт тинчлигини, гуллаб-яшнашини ҳам Аллоҳдан тилаб, ният қилайлик. Расулуллоҳ (с.а.в.) дедилар: - «Субҳдан аввал рўзанинг ниятини қилмаган одамнинг рўзаси рўза эмасдир». Имом Абу Довуднинг марҳамат қилишларича, ниятнинг ўрни қалбдир.

Расулуллоҳ (с.а.в.)нинг марҳамат қилишларича, саҳарликни тарк этиш суннатга хилофдир. Муқаддас ҳадисларда баён этилишича, айнан саҳарлик бракатлидир. Расулуллоҳ (с.а.в.): - Баракатли овқатга келинглар, - деганларида айнан саҳарликка ишора қилгандилар. Ва «Саҳарлик баракат емагидир, гарчи бир қултум сув билан бўлса-да, сизлардан бирингиз саҳарликни тарк этмасин, чунки Аллоҳ ва унинг фаришталари саҳарлик қилганларга салавот айтадилар»,-дедилар (Имом Аҳмад имом Ҳанбал ривояти). Саҳарликни субҳи содиққача тугатиш Расулуллоҳ (с.а.в.)нинг суннатларидан.



Рўзадорнинг дуоси камайтирилмайди, ижобатсиз қолмайди. Имом Бухорий ривоятларига кўра: - «Келинглар, дуолар қайтарилмайдиган онларда дуо қиламиз. Парвардигори олам, биз сендан тинчлик-омонлик, соғлик ва хотиржам қалб соҳиби, оилаларимизни ҳамиша ҳифзу ҳимоятингга олиб, аҳли солиҳ ва солиҳалардан, буйруқларингга бўйинсиниб, қайтариқларингдан қайтадиган қилишингни сўраймиз. Эй Раббим, сендан ҳар бир беморга шифо, ҳар бир ночорга ризқ беришингни, ҳар бир ғамга ботганни ғамдан фориғ қилишингни, ҳар бир тавба қилувчининг тавбасини қабул қилишингни, ҳар бир «омин» дегувчини ўз паноҳингда асрашингни сўраймиз».

Рамазон ойида Аллоҳнинг қайтариқларидан бири рўзадорларнинг жанжаллашиш нари турсин, бир-бирларига қаттиқ, ёмон гапирмасликлари ҳамдир. Рўзадорлар қайта-қайта эшитишган бир ҳақиқатни яна такрорлаб ўтсак, зарар этмас: агар рўза тутмаган бирон киши рўзадор билан жанжал бошласа, у: -«Мен рўзадорман»,- дея индамай кетгани маъқул. Лекин минг афсус, муборак Рамазон ойида ҳам айрим мамлакатларда ўқ отилади, бегуноҳ одамлар қони тўкилади, уйлар ёндирилади... Ҳаммамиз олдинги йилларда айни Рамазон ойида Сурия, Ироқ, Афғонистон каби мамлакатларда юз берган жанжаллар, қон тўкишлар ҳақида эшитганмиз. Энди, ўйлаб кўрайлик, ўз юмуши билан тинчгина юрган одамларга ўқ отиб, портлатиб, қон тўккан одамлар мусулмонмиканлар? Ҳолбуки, у кимсалар Ислом дини номидан иш кўрадилар.

Имом Ғаззолий марҳамат қиладилар: -«Рўза тутиш жон учун закот, бадан учун риёзат, яхшилик учун даъватдир. Рўза – инсон учун гуноҳлардан тийилиш, жамият учун жиноятлардан сақланиш. Оч баданда қалб бир меъёрда ишлайди, ақл тиниқлашади, кўз равшанлашади...» Ва яна ривоят қилишларича, Рамазон ойида шайтонлар занжирбанд этилади. Демак, ушбу ойда одам қилаётган ёмонлигини шайтонга тўнкай олмайди.

Шундай экан, азизлар, муборак ойда бир-биримизга янада меҳрибон бўлайлик! Бир-биримизга қўлимиздан келганча яхшилик қилайлик. Топганимизни бўлишиб, бирга ифторлик қилайлик. Ночорларга, етимларга қўлимиздан келганча ёрдам берайлик. Ва албатта, ҳеч кимни на тилимиз, на қўлимиз, на хатти-ҳаракатимиз билан ранжитмайлик! Рўзамизни бузмайлик!

Имом-хатиблар, масжид ходимлари бу оддий ва кўнгилларимизни равшан этгувчи ҳақиқатларни ҳар бир инсонга тушунтириб боришлари шарт.

Сизу биз орзуқиб кутган Рамазон ойи ҳаммангизга муборак бўлсин! Уйингизга Аллоҳнинг нури, яхшиликлари ёғилсин, азизлар!

*Абдураҳим РАҲМАТУЛЛАЕВ, Бобожон Ғафуров ноҳияси марказий жомеъ масжиди масъул ходими.*

---

**ТИББИЁТ ВА РЎЗА**

# РЎЗА – беминнат шифо манбаи



Қарийб қирқ йиллик дўхтирлик иш тажрибам давомида рўза масаласида жуда кўп фикр билдирганман. Бир пайтлар собиқ Шўролар даврида оммавий ахборот воситалари орқали рўзанинг зарарлари ҳақида сўз юритилганда ҳам, рўза тутувчиларга у ёки бу баҳонада сув тутиб, оғизларини очтирган замонларда ҳам рўзанинг касалларни даволашда, айниқса, ўзимнинг мутахассислигим бўлган юрак-қон томир касалликларига фойдаси катталигини айтардим. Эҳтимол, шу боисдир, ўша пайтдаги идеологиядан келиб чиқиб, рўзани инсон саломатлигига зарар, деб мақола ёзмаганман.

Бир пайтлар рўзани инсон саломатлигига зарар, деб ёзган ҳамкасб дўхтирлар мустақиллик йилларида ўша мақолаларининг аксини, яъни рўза тутишнинг инсон саломатлигига фойдаси борлиги ҳақида ёза бошлашди. Аслида ўша ҳамкасбларимиз ҳақиқатни илгари ҳам билишган, бироқ ҳақ гапни айтиш учун ўша пайтдаги Шўролар мафкураси монелик қилгани турган гап.

Мана, бугун халқимиз озод ва обод мамлакатда диний-мазҳабий эркинликда истиқомат қилмоқда. Рўза ва Қурбон байрамлари истироҳат кунлари, дея эълон қилиниб, халқимиз ўзининг қадимий урф-одатлари, анъаналари асосида турмуш кечирмоқда.

Зотан, Тинчлик ва миллий бирлик асосчиси – Миллат пешвоси, муҳтарам Президентимиз шахсан ўзи бу байрамлар муносабати билан мамлакат аҳлини табриклайди, рўза давомида ва байрам арафаларида тадбиркорлардан нарх-навони оширмасликни талаб қилади. Бу эса, аҳолига қилинган ғамхўрлик намунасидир, албатта.

Юрак-қон томир хасталиклари билан оғриган беморларга рўза тутиш кони фойда. Ҳатто, буни Парвардигорнинг беморга марҳамати, дейиш мумкин. Зеро, юрак-қон томир касалликлари аксар вақт кўп ейиш, қон томирларда ёғлар тиқини ҳосил бўлиши, юрак атрофини ёғ босиши, организмнинг семизлик каби салбий иллатга дучор бўлиши ортидан пайдо бўладиган дарддир. Шунинг учун ҳам рўза тутишлик бу дардга чалинганларга фойдалидир.

Аммо ҳамма беморларга ҳам рўза тутиш тавсия этилавермайди. Масалан, қанд касалидан азият чекаётганлар тез-тез, кам-камдан овқатланиб туришлари лозим. Агар улар шу тахлит овқатланиб турмасалар, касалликлари ортиб кетиши мумкин.

Яқинда бир диний олим билан суҳбатимизда у киши: - Бемор одам тузалиб кетгунга қадар рўза тутмасликларига шаръий ижозат бор, тузалиб кетсалар, бир кунига бир кун тутиб берадилар, - деди. Демак, аслида беморларга рўза тутмаслик ижозати бор экан. Бироқ шундай бўлишига қарамай, юқорида айтиб ўтганимдек, юрак ва қон томирларини ёғ босиши, холестерин ва липопротеидлар кўпайиши ортидан тиқин ҳосил бўлганда ва ошқозон-ичак касалликларининг баъзи турлари учун рўза чиндан ҳам кони фойда.

Дарҳақиқат, бугунги кунда бутун жаҳонда очлик билан даволаш клиникалари сони ортиб бораётгани ва бу усул билан турли хасталиклардан халос бўлинаётгани ҳақидаги маълумотлардан кўпчилик хабардор. Бу клиникаларда дини ва ирқидан қатъий назар, турли миллатларга мансуб кишилар шифо топмоқдалар, албатта.

Аслини олганда, очлик билан даволаш усули қадим-қадимларга бориб тақалади. Диний олимлар сўзларига кўра, қарийб барча самовий динларда ҳам рўза тутиш буюрилган экан. Энг катта тиражларда босилишига қарамай, қўлма-қўл бўлиб кетган Пол Брейгнинг «Очлик билан даволаш асари» бежизга XX аср бестселлери – шоҳ асари номини олмаган, ахир.

Очлик билан даволаниш нафақат инсонлар, балки ҳайвонларда ҳам мавжуд экан. Эътибор берганмисиз, агар уй ҳайвонлари қандайдир касалликка учраса, ўз-ўзидан автоматик тарзда емишдан қолади. Тузалгач, яна ейишга киришади. Бу ҳолат уларда ички интуиция орқали юз бериши ва тузалишлари учун ўзига хос этап саналади.

Рўза тутган киши, у ким бўлишидан қатъий назар, соғми, беморми, кечқурун оғиз очиш пайтида иложи борича қаттиқ таомлардан, газли ва рангли, ўта совуқ – музлатилган газли сув ва бошқа яхна ичимликлардан тийилишлари шарт. Энг яхшиси, ҳазми енгил суюқ, дампаз овқатлар ва иссиқни иссиқ кесади, деганларидек, ўта совуқ ва музлатилган газли ичимликлар ўрнига чой, ўрта даражадаги табиий ўрик шарбатини истеъмол қилсалар, организмни толиқтириб қўйишдан асраган бўладилар. Қовурилган гўшт каби таомлар организмга оғирлик қилади.

Ифодалироқ қилиб айтадиган бўлсак, рўзани беминнат шифо омили, десак, айни муддао бўлур эди. Зотан, ой давомида рўза тутган бемор томирлардаги холестерин ва липопротеидлар камайиши, қон босими нормаллашуви ортидан тиқинлар очилиб, танасини енгил ҳис қилиши унинг саломатлик сари қўйилган хайрли қадамларидир, албатта. Бироқ рўза тутишни ният қилган ҳар бир бемор ўз даволовчи врачи билан маслаҳатлашиб, сўнг бу ишга киришса, яхши бўлар эди. Зеро, даволовчи врач ўз қарамоғидаги бемор аҳволидан бошқаларга қараганда, яхшироқ хабардор бўлади. Сўзим охирида барча муштарийларга шифои комилу ожил тилайман.

*Сиддиқжон МАМАДАЛИЕВ, Рўдакий ноҳияси Марказий касалхонаси кардиология бўлими врач-ординатори.*

---

# СМС

**СПОРТ МУХЛИСЛАРИ СУТУНИ**

------------------------------------------ Тел: 918-61-99-71

===== Мамлакатимизда =====

--------- *Футбол* ---------

## ҒАЛАБАГИНА МАҚСАДГА ЭРИШТИРАДИ

Нуфузи жиҳатдан қитъа клублари ўртасида иккинчи мавқега эга бўлган «Осиё футбол конфедерацияси кубоги-2017» турнирининг гуруҳ босқичи ҳам ниҳоялаб бормоқда.

Тожикистон чемпиони, пойтахтнинг «Истиқлол» жамоаси «D» гуруҳининг 5-тур учрашувини Қирғизистоннинг Бишкек шаҳрида маҳаллий «Дордой» жамоасига қарши ўтказди.



Ўйиннинг дастлабки дақиқаларидаёқ Муҳсин Муҳаммадиев шогирдлари назоратни ўз қўлларига олишди.

Ана шу устунлик натижаси ўлароқ истиқлолчилар йирик - 4:1 ҳисобида ғалаба қозондилар. Меҳмонлар ҳужумчиси Манучеҳр Жалилов «хет-трик»ка эришиб, ўз жамоаси ғалабасига муносиб ҳисса қўшди.

Гуруҳ босқичининг сўнгги 6-турида «Истиқлол» жамоаси Туркманистоннинг «Алтин асир» клубини қабул қилади. Учрашув 31 май куни Душанбедаги марказий ўйингоҳда бўлиб ўтади.

Беллашувда фақат ғалаба қозонишгина «Истиқлол»ни навбатдаги босқичга олиб чиқади.

--------- *Футзал* ---------

## ЙЎЛЛАНМА НАСИБ ҚИЛМАДИ

Таиландда мини-футбол бўйича ёшлар (U-20) ўртасида «Осиё чемпионати-2017» мусобақалари қизғин давом этмоқда.

Турнирнинг «В» гуруҳида чиқиш қилган Тожикистон ёшлар терма жамоаси навбатдаги босқич йўлланмасини қўлга киритишнинг уддасидан чиқмади.

Ёш футзалчиларимиз дастлабки икки учрашувда Индонезияга 3:5, Ветнамга эса, 2:4 ҳисобида имкониятни бой беришди.

Кейинги турлардаги натижалар, яъни Япония билан дуранг-1:1 ўйнаш ва Хитой Тайпейни йирик- 6:0 ҳисобида «тор-мор» этиш ҳеч нарсани ҳал қилмади.

Шундай қилиб, тўрт имкониятдан 4 очко жамғарган юртдошларимиз плей-офф босқичига чиқа олишмади.

«В» гуруҳидан финал босқичида иштирок этиш ҳуқуқига Индонезия ва Ветнам терма жамоалари эга бўлишди.

--------- *Яккакураш* ---------

## КАРАТЭ – КЁКУШИНКАЙЧИЛАР ЗАФАРИ

Қозоғистоннинг Толдиқўрғон шаҳрида Шарқ яккакурашининг каратэ- кёкушинкай тури бўйича ўсмирлар ўртасида халқаро мусобақа бўлиб ўтди.

Унда Қирғизистон, Тожикистон, Қозоғистон ва Россия давлатларининг 200 нафардан ортиқ намояндалари ўзаро ғолиблик учун татамига чиқдилар.

Тожикистон Республикаси каратэ-кёкушинкай федерацияси раиси Ҳикматулло Кароматовнинг маълум қилишича, терма жамоамиз аъзолари Шерзоди Саъдулло (икки вазн тоифасида), Муҳриддин Мираҳмадов, Муҳаммадсодиқ Содиқов, Абдужалил Баротов сингари ёш спортчиларимиз чиқишлари турнирнинг олтин, кумуш ва бронза медалларига лойиқ кўрилди.

Мазкур мусобақа анъанавий тарзда ҳар йили мунтазам ўтказиб борилади.

### Жаҳонда

--------- *Хоккей* ---------

## ШВЕЦИЯ ДУНЁНИ ЗАБТ ЭТДИ

Германиянинг Кёлн шаҳрида шайбали хоккей бўйича жаҳон биринчилиги мусобақалари якун топди.

Бош соврин учун амалдаги жаҳон чемпиони, океан орти давлати – Канада ва Скандинавия мамлакатлари намояндаси - Швеция терма жамоалари музли майдонга тушди.



Чемпионлик беллашуви кескин ва шиддатли курашларга бой бўлди. Учрашувнинг асосий ва ҳакам томонидан қўшиб берилган қўшимча вақтида дуранг - 1:1 ҳисоби қайд қилинди. Чемпионлик тақдирини буллит зарбалари ҳал қилди. Бунда швецияликлар аниқ ҳаракат қилиб, 2:1 ҳисобида ғалабани илиб кетдилар.

Турнирнинг бронза медали учун эса, Россия ва Финляндия терма жамоалари ўзаро ҳисоб-китоб қилди. Унда 5:3 ҳисоби қайдга олиниб, россиялик хоккейчиларнинг қўли баланд келди.

--------- *Бокс* ---------

## ИККИ ЙЎНАЛИШ ЧЕМПИОНИ

Америка Қўшма Штатларининг Нью-Йорк шаҳридаги «Мэдисон Сквер Гарнед» спорт саройида касбий бокс кечаси уюштирилди.

Кечанинг марказий жанги биринчи ярим ўрта вазндаги спортчилар ўртасида WBC (Бутунжаҳон боксчилар кенгаши) ҳамда WBO (Бутунжаҳон боксчилар ташкилоти) йўналишлари бўйича чемпионлик муштлашуви бўлди.

Унда икки йўналишнинг амалдаги жаҳон чемпиони, америкалик Теренс Кроуфорд ва чемпионликка даъвогар, доминиканлик Феликс Диаслар рингга кўтарилишди.

Жангда амалдаги чемпионнинг кучли эканлиги яққол кўзга ташланиб турди. Ўнинчи уч дақиқаликка келиб, оғир аҳволга тушиб қолган даъвогар – Феликс Диаснинг мураббийлари жангни тўхтатишга мажбур бўлдилар.

--------- *Футбол* ---------

## ХИЗМАТДА ГЕРМАНИЯЛИК ҲАКАМЛАР

Илгари хабар берганимиздек, жорий йилнинг 3 июнида Европа клублари ўртасидаги энг нуфузли турнир Чемпионлар лигасининг ҳал қилувчи финал босқичи ўйини ташкил этилади.

Кардифф шаҳридаги «Меллиниум» стадионида ўтказиладиган бу учрашувда Испаниянинг «Реал» ва Италиянинг «Ювентус» жамоалари «яшил майдон»га тушади.

УЕФА (Европа футбол ассоциациялари бошқармаси) сайтида тарқатилган маълумотга кўра, матчни адолатли ўтказиш мақсадида германиялик ҳакамлар бригадаси хизматидан фойдаланилади.

Учрашувни майдон марказида Феликс Брих бошқариб боради. Ён чизиқларда унга Марк Борш, Штефан Лупплар кўмаклашишади. Бастиан Данкерт ва Марко Фритцлар қўшимча ёрдамчи ҳакамлар бўлишади. Захирадаги ҳакам Рафаэл Фолтиндир.

Феликс Брих Чемпионлар лигасининг жорий мавсумида бешта учрашув ўтказган.

*«Халқ овози»нинг спорт шарҳловчиси.*

√ Саудия Арабистони

## Бузғунчи мафкурага қарши кураш маркази

- «АҚШ Президенти Доналд Трамп ва Саудия Арабистони қироли Салмон бин Абдулазиз Ол Сауд Ар-Риёдда Экстремистик мафкурага қарши курашиш халқаро марказини («The Global Center for Combating Extremist Ideology», «GCCEI») очишди. Бу марказ замонавий технологиялар ёрдамида экстремизмга қарши курашади», - деб хабар берди «Ал-Арабия» телеканали.



Телеканал маълумотларига кўра, Ар-Риёддаги марказ террорчиларнинг интернет сайтларидаги фаолияти, экстремизм тарғиботи ва террорчилик ташкилотига эргашувчиларнинг ёлланишини кузатади ҳамда диний таълимот ва осойишта яшаш кераклиги ҳақидаги электрон номалар орқали экстремистик мафкурага қарши курашади.

АҚШ, араб ва мусулмон давлатлари етакчилари Саудия Арабистони пойтахтида ўтган саммитда биргаликдаги саъй-ҳаракатлар билан террорчиликнинг барча кўринишларига қарши курашиш зарурлигини тасдиқлашди ва террорчиликдан биринчи навбатда мусулмонлар жабр кўраётганини таъкидлаб ўтишди.

Трамп Саудия Арабистонига сафари давомида қирол Салмонни АҚШга боришга таклиф этди. Бу ҳақда Саудия Арабистони ташқи ишлар вазири Одил ал-Жубайр маълум қилди.

Трамп ўзининг илк хорижий сафари давомида 20 май куни Саудия Арабистонига келди. Трамп бу мамлакат етакчилари билан икки томонлама учрашувлардан ташқари, 6та араб қироллиги раҳбарлари ҳамда араб ва мусулмон давлатлари етакчилари иштирокидаги иккита саммитда иштирок этди.

√ Япония

## Шошилинч йиғилиш

КХДР томонидан яна бир ракета синови ўтказилганидан кейин, Япония Миллий хавфсизлик кенгашининг шошилинч йиғилиши чақирилди.

«Japan Times» хабарига кўра, Япония Ҳукумати Бош котиби Ёсихидэ Суга ракета учирилиши БМТ резолюциясининг қўпол равишда бузилиши эканини қайд этган.



Бундан ташқари, Япония ТИВ дипломатик каналлар орқали КХДРга ушбу ҳолат юзасидан нота йўллаган.

«Ёнҳап» эса, Жанубий Корея Президенти Мун Жэ Ин ҳам Миллий хавфсизлик хизматининг шошилинч йиғилишини чақиргани ҳақида хабар тарқатди.

21 май куни эрталаб КХДР яна ракета учирди. NHK телеканали маълумотига кўра, ракета Япония иқтисодий зонасига етиб бормай пастлаган.

√ Сурия

## Жангарилардан озод этилган минтақа

- «Сурияниннг Хомс вилояти маркази шимолидаги Ал-Ваер шаҳарчасини ҳудудий ярашув келишуви доирасида жангариларнинг охирги гуруҳи тарк этди», - деб хабар берди SANA ахборот агентлиги.

Шу тариқа, шаҳар тўлиқ Сурия армияси назоратига ўтди.



Ахборот агентлиги маълумотларига кўра, 989 киши, жумладан, 308 нафар жангари автобусларда Жараблусга юборилган. Яна 463 киши, жумладан, 151 нафар жангари Идлибга юборилган.

Сурия полицияси зобитининг айтишича, энди шаҳарда фақат ўз уйларини тарк этишни истамаган тинч аҳоли қолган.

- «Мавзега сапёрлар киргандан кейин, ОАВ вакилларига охирги озод қилинган мавзени кўришлари учун рухсат бериш ҳақидаги қарор қабул қилинади», - деб айтди у.

Сурия Ҳукумат қўшинлари вакилларининг таъкидлашича, жангарилар чиқиб кетиши биланоқ шаҳарнинг шимолий ҳудудларида мавзеларни «тозалаш» бўйича операциялар бошланди. Ҳарбийларнинг фикрича, жангарилар ўз ортларидан Ҳалабдаги каби кўплаб миналаштирилган объектлар қолдириши мумкин.

Эвакуациянинг 11-босқичида 2,5 мингдан кўпроқ киши, жумладан, 700 нафар жангари шаҳардан чиқиб кетган. Эвакуация ҳеч қандай талафотларсиз ўтган. Эвакуациянинг аввалги 10-босқичида Ал-Ваэр шаҳрини 17 минг киши, жумладан, 3,69 мингдан кўпроқ жангари тарк этган.

√ Афғонистон

## Генерал Дўстум қаерда?

Афғонистоннинг биринчи вице-президенти Абдул Рашид Дўстум мамлакатни тарк этиб, Туркияга парвоз қилди. «Толо» телеканали Дўстумнинг яқинларига асосланиб хабар беришича, вице-президент Афғонистонни қариндошлари босими остида тарк этган. Гап шундаки, у хорижда муолажадан ўтиши керак бўлган.



Ҳукумат доирасидаги манбанинг матбуотга маълум қилишича, генерал Дўстум Туркияга ўтган ҳафта жума куни кечқурун учиб кетган.

Бундан аввал ОАВда Афғонистон Ислом Республикаси (АИР) Президенти Муҳаммад Ашраф Ғани ўз ўринбосарини мамлакатдан ташқарига чиқариб юбормоқчи экани ҳақида хабар берилганди. Маълумотларга кўра, афғон етакчиси мазкур масалани турк ҳамкасби Эрдоған билан икки марта муҳокама қилган. Дўстумни олиб кетгани, ҳатто, Туркия самолёти ҳам йўлланган, бироқ биринчи вице-президент мамлакатни тарк этишдан бош тортган.

√ Афғонистон

## «Толибон»нинг полициячиларга ҳужуми

«Толибон» ҳаракати Афғонистон жанубидаги назорат-ўтказиш пунктларида полициячиларга бир қатор ҳужумлар уюштирди ва бу ҳужумлар оқибатида камида 20 киши ҳалок бўлди. Бу ҳақда AFP хабар тарқатди.



- «Бугун тонгда «Толибон»нинг енгил ва оғир қуролли жангарилари бир вақтнинг ўзида мамлакат жанубида, Зобул вилояти Шоҳжой округида назорат-ўтказиш пунктларида мувофиқлаштирилган ҳужумларни амалга оширди ва камида 20 полициячи ҳалок бўлди», - дея вилоят губернатори Бисмилло Афғонмолнинг сўзларини келтирган «Times of India».

√ Туркия

## Фавқулодда вазият бекор қилиниши муддати

- Туркияда фавқулодда вазият тартиби барқарорлик ва хавфсизлик таъминланмагунча сақланиб қолади, - деб айтди Туркия Президенти Режеп Тайип Эрдоған. У бу ҳақда Туркиянинг етакчи «Адолат ва тараққиёт партияси»нинг навбатдан ташқари қурултойидаги нутқида айтиб ўтди.



Партиянинг навбатдан ташқари қурултойи Эрдоғаннинг партия етакчиси этиб сайланиши учун чақиртирилди. Эрдоған 16 апрелда мамлакатда ўтган конституциявий референдумнинг якуний натижалари маълум қилингандан кейин, партияга қайтишга қарор қилди. Эрдоған партиянинг асосчиларидан бири ҳисобланади, бироқ 2014 йил августда Туркия Президенти этиб сайлангандан кейин, ундан чиқиб кетган. Референдумда қабул қилинган конституциявий тузатишларга мувофиқ, Президент аввал кўзда тутилгандек, ўз сиёсий партияси сафларини тарк этмаслиги мумкин.

- «Туркияда қонуний ҳокимиятни ағдаришга ҳаракат қилинди. Бунинг оқибатида 249 киши ҳалок бўлди, 2193 киши жароҳат олди. Қандай ҳуқуққа биноан фавқулодда вазият тартибини бекор этишни талаб қилишмоқда? У Туркияда барқарорлик ва хавфсизлик таъминлангандагина бекор қилинади», - деб айтди Эрдоған.

Фавқулодда вазиятлар тартиби ўтган йил июлидаги давлат тўнтарувига уринишдан кейин уч ойга киритилганди. Кейин у яна уч ойдан уч марта узайтирилганди. Туркия мухолифати ва Европа Иттифоқининг бир қатор етакчилари фавқулодда вазият тартибининг узайтирилишини танқид қилишганди. Уларнинг фикрича, бу мамлакат фуқаролари ҳуқуқ ва эркинликларига хавф солади.




√ Эрон

## Руҳоний иккинчи муддатга сайланди

- «Эроннинг амалдаги Президенти Ҳасан Руҳоний сайловлар якунларига кўра, иккинчи муддатга қайта сайланди»,- деб хабар тарқатди «Reuters».



Мамлакат давлат телевидениеси уни ғалаба билан табриклади. Бироқ сайловчилар овози ҳамон ҳисоб-китоб қилинаётгани айтилган.

Сўнгги маълумотларга кўра, Руҳоний 22,7 миллион овозни олган бўлса, унинг энг яқин рақобатчиси – Эроннинг собиқ Бош прокурори Иброҳим Раисий – 15,4 миллион овоз тўплади.

2013 йилда Руҳоний 50,68 фоиз овоз тўплаган. Ўшанда у сайловларнинг биринчи туридаёқ керакли овозни олиб, ғалаба қозонганди.

Эрон олий диний раҳнамоси Оятуллоҳ Али Ҳаменеий Руҳонийни биринчи президентлик муддатидаги алоҳида хатти-ҳаракатлари учун танқид қилган, бироқ айнан Руҳоний жаҳон давлатлари билан ядро битимига эришди.

√ АҚШ

## Сотиладиган қуроллар миқдори

- «Саудия Арабистонига яқин 10 йилликда сотиладиган АҚШ қурол-аслаҳасининг умумий қиймати 350 миллиард долларгача етиши мумкин», - деб журналистларга хабар берди Оқ уй вакили Сара Сандерс.

Унинг айтишича, АҚШ Президенти Доналд Трампнинг Саудия Арабистонига ташрифи давомида Ар-Риёдда ўтган маросимда бир қатор ҳужжатлар имзоланди. Ҳужжат ҳамкорлик ҳақидаги қўшма баёнот ҳамда 9та шартнома ва офертани ўз ичига олади. Ар-Риёдга сотиладиган АҚШ қуроли ва ҳарбий хизматларининг қиймати 110 миллиард долларни ташкил қилади.

Сандерснинг таъкидлашича, Ар-Риёд яқин 10 йилда АҚШдан 350 миллиард долларлик қурол сотиб олиши мумкин.




БАА

## Робот-полициячи иш бошлади

- «21 май куни Дубай полициясига биринчи робот-полициячи расман қўшилди», - деб хабар берди «Arabian Business» нашри.



Роботнинг бўйи – 170 сантиметр, оғирлиги – 100 килограмм. У 1,5 метр масофадан имо-ишоралар ва қўл сигналларини таний оладиган «ҳис-туйғулар детектори» билан жиҳозланган. Шунингдек, у суҳбатдошининг ҳис-туйғулари ва юз ифодасини тушуна олади.

Кўчаларда патруллик қилаётганда, робот полиция ходимларига қоидабузарларни топишга ёрдам беради ҳамда тегишли видеотасвирни тақдим этади. Дубай полициясидан маълум қилишларича, робот кўчалар, жамоат жойларида одамларга ёрдам бериш ҳамда жиноятчиликка қарши курашиш ва шаҳар хавфсизлигига жавоб беришга мўлжалланган.

Робот ўзига ўрнатилган навигатор эвазига турган жойининг йўналишини аниқлаш қобилиятига эга ҳамда олтита, жумладан, инглиз ва араб тилларида мулоқот қила олади, шунингдек, аҳоли полиция хизматлари тўловларини робот орқали тўлаш имкониятига эга.

Хитой

## Икки миллионга яқин зарарли мобил дастури

- «2016 йилда хитойлик мутахассислар томонидан мобил қурилмаларга ҳужум қилиш мақсадида яратилган тахминан икки миллионта зарарли дастур аниқланди. Бу 2015 йилги кўрсаткичлардан 39 фоизга кўп», - деб хабар берди Синхуа агентлиги Хитойнинг кибертаҳдидларга қарши кураш маркази ҳисоботига асосан.

Марказ катта муҳандиси Хэ Нэнцяннинг хабар беришича, 2016 йилда Хитойда 2,3 миллиард мобил қурилма бўлган, шу билан бирга, уларнинг 1,9 миллиарди «Android» дастурий тизимида ишлайди, «IOS»да ишловчи қурилмалар сони эса, фақатгина 310 миллионни ташкил этди.

Унинг қўшимча қилишича, ҳужумларнинг 99 фоизи айнан «Android» тизими фойдаланувчиларига қарши амалга оширилади.

Тадқиқот

## Соғлиқ учун энг хавфли ижтимоий тармоқ

Британиялик олимлар «Instagram»ни саломатлик учун энг хавфли ижтимоий тармоқ, деб топишди. Қиролликнинг RSPH ижтимоий саломатлик маркази ва Ёшлар саломатлиги ҳаракатининг тақдим этилган маърузаси шундан далолат бермоқда.




Тадқиқотчилар 14-24 ёшдаги 1479 киши иштирокида сўров ўтказишди. Ёшлардан уларнинг севимли ижтимоий тармоқлари ҳақида сўраб, ҳар бирини бир неча калит сўзлар билан баҳолашни таклиф қилишди - масалан, «ёлғизлик», «депрессия», «ташвиш», «майнавозчилик», «ташқи имижни яратиш». Умумий ҳисобда ҳар бир респондентга 14тадан савол берилди.

Тадқиқот доирасида «YouTube», «Instagram», «Snapchat», «Facebook» ва «Twitter» ижтимоий тармоқлари таҳлил қилинди. Рўйхатдагилар орасида энг ижобий имиж «YouTube»га тегишли - у ёшлар онгига «энг позитив таъсир» кўрсатган тармоқ сифатида эътироф этилди. Ундан кейинги ўринларда «Twitter» ва «Facebook». Фойдаланувчилар томонидан энг кам ижобий баҳоланган тармоқлар «Snapchat» ва «Instagram» бўлди.

Ҳисобот муаллифлари фикрига кўра, 16-24 ёшлиларнинг 91 фоизи интернетда ижтимоий тармоқлардан фойдаланишади.

- «Ўрганиш нуқтаи назаридан, ижтимоий тармоқлар тамаки ва спиртли ичимликлардан-да хавфлироқ. Сўнгги 25 йил ичида ёшлар орасидаги депрессия ҳолатлари 70 фоизга ошди. Безовталик, депрессия ва уйқусизлик даражасининг ошиши ижтимоий тармоқлар билан боғлиқ», - дея таъкидлашди олимлар.

Жанубий Корея

## Алпинист аёлнинг ютуғи

- «Жанубий кореялик алпинист аёл Ким Жейн ҳеч қандай мосламаларсиз 123 қаватли осмонўпар бинони забт этди», - деб хабар берди «Рёнхап» ахборот агентлиги.

28 ёшли Жейн Жанубий Кореядаги 1-рақамли ва дунёдаги 5-рақамли энг баланд бино ҳисобланувчи «Lotte World Tower»ни 2,5 соат ичида забт этди. Аёлнинг айтишича, бу жуда оғир бўлган, бироқ у жараёндан завқ олишга ҳаракат қилган.



Ахборот агентлигининг маълум қилишича, Жейн ажойиб жисмоний тайёргарликка эга. У 10 йилдан кўпроқ вақтдан бери турли мусобақаларда иштирок этиб келади ва жаҳон даражасидаги 25та унвон соҳибаси ҳисобланади.

Бразилия

## Юз ёшли эгизак опа-сингиллар

Бразилиялик эгизак опа-сингиллар Мария Пинятон Понтин ва Паулина Пинятон Пандолфи 15 май санасида 100 ёшга тўлдилар. Шу ҳафтанинг душанба куни улар ҳаётнинг бу ажиб палласидан эсдалик бўлиб қолувчи суратларга тушишди.



Фотожамланма суратчи Кмила Лима томонидан ишланган ҳамда унинг «Facebook»даги саҳифаси орқали тақдим этилган.

- «Мен бу опа-сингиллар ҳақида эшитгандим, шу боис, ушбу ажойиб фотографик асаримни уларга совға қилишга қарор қилдим. Улар чиройли ва жуда хушбичим аёллар! Мен умрим мобайнида бундай ёши улуғ инсонларни учратмаган эдим. Улар шундай совғага муносиб», - деб ёзди суратчи.

Россия

## Алишер Усмоновнинг «Арсенал»ни эгаллаш режаси

Россиялик миллиардер Алишер Усмонов Лондоннинг «Арсенал» клуби устидан назоратни қўлга киритиш учун клубнинг энг йирик ҳиссадори, америкалик тадбиркор Стэн Кронкега унга тегишли акцияларни сотиб олиш учун 1,3 миллиард евро таклиф қилди. Бу ҳақда «Financial Times» нашри хабар берди.

Айни вақтда Усмоновга клубнинг 30 фоиз акцияси, клуб эгаси Кронкега эса, 66,76 фоиз акция тегишли.

Маълум қилинишича, Кронке Усмоновнинг таклифини рад этмоқчилигини билдириб қўйган. У норасмий тарзда ўзининг улушини Усмоновга ҳам, бошқа бирор шахсга ҳам сотмаслигини айтган. «Икки ҳафта олдин бу ҳақиқатда юз бериши мумкин, деб ўйлагандим, бироқ ҳозир бунга ишончим комил эмас», - деб айтган бир манба.




Ўтган ой Усмонов «FT»га берган интервюсида канонирлар эгаларини танқид қилганди ва уларни жамоани ривожлантириш учун етарлича инвестициялар киритмаётганликда айблаганди. Усмонов клуб акцияларининг иккинчи рақамли эгаси бўлса-да, клубнинг директорлар кенгашига кирмайди.

*ОАВ асосида И. Маҳмадалиев тайёрлади.*

## ЁРДАМ БЕРИНГ, ЯХШИЛАР

Мен - бир ночор онаман. Икки нафар вояга етмаган фарзандим бор. Рафоат исмли қизчам эндигина 10 ёшга тўлади. Мана шу жигарбандим бир-икки йил олдин оғриб қолди. Дўхтирларга кўрсатсак, эпилепсия касаллиги дея ташхис қўйишди. Уни касалхонага ётқизиб, даволатиш учун эса, қўлимиз калталик қилмоқда. Дори-дармон, касалхона ва бошқа харажатлар учун катта миқдордаги маблағ лозим экан. Лекин биз рўзғорни зўрға тебратиб турган камтаъминланган оила бўлганлигимиз сабабли, қизимни даволатиш учун зарур бўлган пулни тополмаяпмиз. Она учун боласининг оғир дардга йўлиққанлигини кўриб, қўлидан бирор ёрдам бериш келмаслигидан аянчли ҳолат йўқ экан. Иложсизликдан саховатли ва меҳрибон инсонлардан шу мурғак қизчам учун ёрдам сўрамоқдаман. Ёрдам беринг, яхшилар! Дунёда хайр-саховатли ва чин дилдан беминнат ёрдам берадиган инсонлар борлигига ишонаман, албатта.

*Зулфия ВОҲИДОВА, Душанбе шаҳри.*

**P.S.:** Зулфия Воҳидова "Амонатбонк" Давлат омонат банкида ҳисоб рақами очган. Унинг маълумотлари эса, қуйида келтирилган:

| | |
|---|---|
| **Получатель** | **Довостребование по ПК** |
| **Счет получателя** | **26202972600010104000** |
| **Хизматрасони Бонк** | **40404972700105104000** |
| **Банк получателя** | **ГСБ РТ "Амонатбонк" Филиал №04** |
| **Адрес** | **Таджикистан, г. Душанбе, С.Шерози 45** |
| **Корр/счет** | **20402972316264** |
| **БИК** | **350101626** |
| **ИНН** | **040006719** |

ЭЪЛОН *** ЭЪЛОН *** ЭЪЛОН

*БАРҲАМ МЕХЎРАД*

Кооперативи тиҷоратии "Аҳмадбой", ки бо шаҳодатнома ва РЯМ 5310001987 фаъолият мекард ва дар нозироти андози н. Деваштич 11.11.2014с. аз қайд гузашта буд, фаъолияташро қатъ мекунад.

***

ҶДММ "Абдусаттор", ки бо шаҳодатнома ва РЯМ 5310004508 фаъолият мекард ва дар нозироти андози н. Деваштич 15.10.2014с. аз қайд гузашта буд, фаъолияташро қатъ мекунад.

***

ҶДММ "Ғунча-22", ки бо шаҳодатнома ва РМА 530008104 фаъолият мекард ва дар нозироти андози н. Деваштич 23.01.2017с. аз қайд гузашта буд, фаъолияташро қатъ мекунад.

***

Кооперативи тиҷоратии "Неъмат Н", ки бо РЯМ 3310004033 фаъолият мекард ва дар нозироти андози н.Ҷ.Балхӣ 17.09.2015с. аз қайд гузашта буд, фаъолияташро қатъ менамояд.

***

Кооперативи истеҳсолии "Муқаддас", ки бо РЯМ 3310001787 фаъолият мекард ва дар нозироти андози н.Ҷ.Балхӣ 24.05.2010с. аз қайд гузашта буд, фаъолияташро қатъ менамояд.

***

ҶДММ "Судайсиддин", ки бо РЯМ 4010005001 ва шаҳодатномаи №0260365 фаъолият мекард ва дар нозироти андози н. Ёвон 11.06.2013с. аз қайд гузашта буд, фаъолияташро қатъ мекунад.

## Шоир Омон Ражаб - 75 ёшда



Таниқли шоир Омон Ражаб табаррук етмиш беш ёшга кирди. Касби шифокорлик бўлса-да, эл орасида ўзининг қуйма сатрлари, соҳир шеърияти билан шифокор-шоир сифатида танилди, обрў топди. Бугун камолот ёшидаги шоир тинимсиз ижод билан машғул.

Яқинда Омон Ражабнинг "Учаётган ёғдулар" номли девони "Ирфон" нашриётида чопдан чиқди.

Йиллар давомида "Учқунлар", "Муқаддас чизиқ", "Ишонч", "Мавлоно Алмат", "Сирожи дилҳо", "Ситора ситора мемонад", "Тўриқ отнинг тақдири", "Чўғ", "Бор бўлсин муҳаббат", "Қорлиқлар" каби насрий ва назмий асарлар яратган шоир ҳамон изланишда, ижоднинг сирли сўқмоқларини кезади.

Табаррук ёшдаги шоиримизни бу қутлуғ айём билан муборакбод этиб, у кишига метин соғлиқ, узоқ умр ва ижодларига барака тилаймиз.

*"Халқ овози" газетаси таҳрир ҳайъати.*

# Ҳар замон истар замони бўлса тинч...

### Тугун

**Келарсан мунча инқиллиб, букик қаддинг тугунингдан,**
**Юкинг оғир. Нима топдинг, нима олдинг бугунингдан?**
**Не уйларга бориб келдинг, не кўйларга бориб келдинг,**
**Нима бердинг, нима олдинг саҳар, туш, кечқурунингдан?**
**Не хил эрлик аён этдинг, не ишлар айладинг бунёд,**
**Не кўрди одамистонлар қадаму, қўлу унингдан?**
**Оё қай уйга нур элтдинг, нуринг бирла сурур элтдинг,**
**Ва ё дилларга дур элтдинг топиб қудрат фунунингдан?**
**Ё тоғ тошин кўпордингми, темир кўксини ёрдингми,**
**Элимга йўл қурдингми? Не кўрсатдинг фусунингдан?**
**Ё чўлда буғдой ўрдингми, ё даштга сув чиқардингми,**
**Буюк ишхона қурдингми, десак, меҳри бутунингдан?**
**Тиниқ меҳринг билан бориб, оламни балқитиб қайтсанг,**
**Саодат ёғдуси ёғсин бошингга кун-у тунингдан!**
**Ажаб роҳат берар чарчаш эл учун эзгулик элтиб,**
**Азизлар, қадди юксалгай улуғ ишчан жунунингдан.**
**Тугунингда не нарсанг бор? Тириклик юкими? Ёки**
**Ҳаётинг ҳосили у - ҳосил сабру сукунингдан?**
**Не ҳам бўлса, юкинг оғир! Қани, бер - орқалай бир дам,**
**Не бўлса ҳам ҳаёт ҳиди турар анқиб тугунингдан!**

### Эй замон

**Сен қаён кетмоқдасан, айт, эй замон?**
**Элтаяпсан дунёни қай томон?**
**Тўхта! Борма! Бу йўлинг - иблис йўли!**
**Тўғри йўл топ! Бўлмасин бузғун жаҳон!**
**Ким сени чалғитди йўлдан ва қачон?**
**Қайси ёв султонми, ё қай беимон?**
**Бўлса ҳам ким, у - ғаним! Олам аро**
**Қўр тўкиб, илкинг билан тўкмоқда қон!**
**Ким бугун доҳинг эрур ақл ўргатар?**
**Ким бугун дарғанг эрур йўл кўрсатар?**
**Гўлларингни жинниликка ўргатар?**
**Элларингни бир-бирига ёв этар?**
**Неча йилдир, қон тўкар Афғонда жанг,**
**Қон ичар Ироқ, Ямани Шомда жанг!**
**Нега муслим элтди мусулмонга жанг?**
**Йўқ! Шайтон элтди бор Инсонга жанг!**
**У яна кўрсатди сур осийлигин!**
**Қайта истар Ер юзининг бийлигин,**
**Қўлга олса бу жаҳоннинг бойлигин,**
**Олдида Дунё, Башар қадри - тайин!**
**Тангри унга мангу ном берган: «Лаин».**
**Эй Замон, малъун йўлин тарк айлагин!**
**Юрса ким – жойи жаҳаннамда тайин,**
**Сен Лаин айбин ўзингга олмагин!**
**Бил, жаҳон истар жаҳони бўлса тинч,**
**Ҳар замон истар замони бўлса тинч,**
**Бахт унар қутлуғ макони бўлса тинч,**
**Қалби қувнар-жони, шони бўлса тинч.**
**Эй Замон, дўстлик туғин юксак кўтар!**
**Дўст топгин, майли, дард, эмгак кўтар!**
**Тоза ўссин, Улларинг-йўргак кўтар!**
**Юр жаҳонни гуллатиб! Кўкрак кўтар!**
**Тўғри юр - дунё сенга йўлдош мудом:**
**Ҳамнафас - у ҳамқадам, қўлдош мудом,**
**Қондошу жону кўнгилдош мудом,**
**Бўлгуси бошингда офтоб бош мудом!**

### Одобсиз

**Иззатли курсида ўтирган бир шон,**
**Сезгандай ўзини мисоли ҳоқон.**
**Буйруқ дея элга қабоҳат сочар,**
**Бошлиқми ё бебош? Бўларсиз ҳайрон.**
**Иззатли курсини оғзи кир безот,**
**Иззатсиз этади ўзидай, ҳайҳот!**
**Мардумни идора этаркин қандай,**
**Ўз оғзин идора эта билмас зот?**

*Омон РАЖАБ.*



# Чўл бургути

Омон Ражабни Ёвон томонларда танимайдиган, ҳурматини жойига қўймайдиган киши топилмаса керак. Кимдир у кишини қўли енгил шифокор сифатида эъзозласа, кимдир гоҳо сермазмун, гоҳо ўйноқи, гоҳо донишмандона шеърларининг шайдоси. Яна кимдир шифокорликни улуғлаб, қалам сеҳри билан қалбларни жунбушга келтираётган Омон акани чин инсонийлиги учун ардоқлайди. Мен... мен эса, у кишининг меҳрибонлигига тан бераман, юриш-туришида сохталик йўқлигидан ҳайратга тушаман. Ҳа, у киши том маъноси билан замин фарзанди. Мақтовлар, кўкка кўтаришларга учмайди, чўл бургутидай вазмин, виқорли йигит.

Омон ака адабиётга ўтган асрнинг 60-йилларида кириб келди. У пойтахтдаги тиббиёт олийгоҳида таълим олиб юрган кезлари «Совет Тожикистони» ( ҳозирги «Халқ овози») газетаси билан яқиндан алоқа боғлади. Устозлари – шоирлар А.Назаров, М.Остоновлар (илоҳо охиратлари обод бўлсин)дан шеър ёзиш сирларини ўрганди, машқ қилди, изланишдан чарчамади. Ёш шоир Тошкент, Душанбе адабий муҳитида фаол иштирок этди. Кейинчалик республика ёш ижодкорлари анжуманларида қатнашди. Шеърлари рус шоирлари томонидан юқори баҳоланди. Россиянинг салоҳиятли ойномаларида чоп этилди.



*Шоир Омон Ражаб ва ёзувчи Омонбой Жуманов «Халқ овози» газетаси музейида*

Юқорида мен Омон аканинг меҳрибонлигига тан берганимни айтдим. Ҳақиқатдан ҳам шундай.

...Ёши улуғ бўлишига қарамай, Омон ака эртами-кечми қўнғироқ қилади. Телефондаги мен учун таниш бўлган рақамни ва Омон Ражаб номини кўраману астагина гўшакни босаман:

-Ассалому алайкум, мен Омон Ражабман,- деган овоз қулоққа чалинади.

-Йўқ, мен Омонман,- дейман жиддий оҳангда ҳар икки томондан жарангдор кулгу эшитилади ва сўнгра ҳол-аҳвол сўрашлар бошланади.

Омон аканинг ҳар бир ҳаракати табиий, сохталикнинг зарраси ҳам йўқ.

-Омонмисан, яхшимисан, бола-чақалар қандай?-дея меҳрибонлик билан ҳол-аҳвол сўрайди.

–Овозингни эшитгим келди,- дейди ўзига хос дилбарлик билан.

Омон Ражаб ўз қалами, ўз овозига эга бўлган шоир. У кишининг китоблари озмунча эмас. Буларнинг барчасини меҳнат, меҳнат ва яна меҳнатнинг натижаси, уйқусиз тунлар маҳсули, десак хато бўлмас.

Шоирнинг иш столи устидан бир талай шеърий, насрий китоблар жой олган. Уларга боқиб, Омон ака гоҳо хурсанд бўлса, гоҳо кўнгли бир оз ўксигандай бўлади. Чунки оқланишлар самараси бўлмиш ноёб, дурдона асарлари чоп бўлмай, халқ қўлига етиб бормай, стол устида туради-ю, у кишининг кўнгли хира тортмайдими?

Таниқли шоир, юзлари офтобда қорайган, аммо кўнгли тонгдай мусаффо акахонимиз бугун ўзларининг табаррук етмиш беш ёшларини ёруғ юз билан кутиб олмоқдалар. Кўз олдимга қуёшда қорайган, баланд бўйли, қотмагина йигит келади-ю, омон бўлинг, Омон ака, деб қўяман.

*Омонбой ЖУМАНОВ.*

# ИСТЕЪДОДЛИ ШОИР, ТАРИХЧИ ВА АДАБИЁТШУНОС

**Айро этмам, бой ё гадо - дўст,**
**Тангрим берган ноёб ато - дўст.**
**Сенсиз дунё асло керакмас,**
**Кел бағримга, кел, марҳабо дўст!**

*Омон РАЖАБ.*

Истеъдодли шифокор-шоир ва адиб Омон Ражаб (Омон Ражабов) 75 ёшга тўлди. Ижодкор йиллар давомида «Учқунлар» (шеърлар 1981), «Муқаддас чизиқ» (шеърлар 1983), «Ишонч» (шеърлар 1985), «Мавлоно Алмат» (достон 2004), «Сирожи дилҳо» (қисса 2004), «Ситора ситора мемонад» (қисса 2006), «Тўриқ отнинг тақдири» (қисса 2006), «Чўғ» (сайланма 2012), «Бор бўлсин, муҳаббат» (Ўлмас Жамол ғазаллари таҳлили ва тадқиқи 2012), «Қорлиқлар» (илмий-тарихий очерклар 2012), «Қорлиқлар» (тўлдирилган нашри 2015) каби наср ва назмда қимматли асарлар яратиб, адабиёт бойлигига муносиб ҳисса қўшди. Шоир ва адибнинг нашр қилинмай навбатда турган асарлари ҳали қанча. Шу кунларда ижодкор ўзининг йиллар давомида ёзган аруз вазнидаги ғазалларини тартибга солиб, девон тузиш ишлари билан машғул.

Шоирнинг кўплаб шеърлари Ўзбекистоннинг газета, журнал, баёзларида чоп этилган. Шеърлари рус ва тожик тилларига таржима қилинган, ўнлаб шеърлари ўзбек ва тожик ҳофизлари томонидан қўшиқ қилиб куйланмоқда. Ижодкорнинг ўзи ҳам бир неча тожик ва рус шоирлари шеърларини ўзбек тилига ўгириб, даврий матбуотда чоп эттирган.

Омон Ражаб 1942 йил 25 майда Ёвон ноҳиясининг Парчасой қишлоғида деҳқон оиласида туғилган. Уч яшарлигида отаси вафот этиб, икки акаси билан бирга онаси қарамоғида қолади. 1950-1960 йилларда Парчасойдаги Лоҳутий номли 4-ўрта умумтаълим мактабида ўқиб, ўрта маълумот олди. 1961-1967 йиллар у Абуали ибн Сино номли Тожикистон Давлат Медицина институтида ўқиб, даволовчи врач мутахассислиги дипломини олишга муваффақ бўлди. Омон Ражаб Ёвон ноҳияси марказий шифохонасида роппа-роса 48 йил даволовчи врач сифатида ҳалол меҳнат қилди. «Республикада хизмат кўрсатган шифокор», «СССР соғлиқни сақлаш аълочиси», «Олий тоифали терапевт» каби мукофотлар билан тақдирланган.

Омон Ражаб 7-синфдалигидаёқ шеър ёза бошлаган. 1961 йили 10-синфда ўқиб юрганида «Какку ва қалдирғоч» масали ижодкорни дастлаб элга танитган. «Ҳамза садоси» шеъри «Совет Тожикистони» (ҳозирги «Халқ овози») газетасида босилиб чиқди. Шундан сўнг, ёш шоирнинг шеърлари мунтазам газета, журнал ва алманахларда чиқа бошлайди.

Омон Ражаб тарихчи-тадқиқотчи сифатида қорлуқ элати тўғрисида «Қорлиқлар» илмий-тарихий очерклар китобини, адабиётшунос сифатида Ўлмас Жамол ғазалларини таҳлил ва тадқиқ қилиб, «Бор бўлсин муҳаббат» илмий-адабий асарини яратди. Омон Ражаб асарлари, аллақачон, ўз ўқувчисини топган.

Менинг нуқтаи назарим бўйича, Омон Ражаб Лоҳутий ёки Айний мукофоти лауреатлигига арзийдиган ижодкор. 2012 йили Ёвонда таниқли шоир ва адибнинг Ёвон ҳукумати ташаббуси билан 70 йиллик юбилейи нишонланган эди. Тантанада Тожикистон Ёзувчилар иттифоқи намояндалари ҳам қатнашиб, Омон Ражабни «Сухан» олтин медали билан тақдирлагандилар.

Севимли шоир ва адибимиз Омон Ражабни табаррук 75 ёши муносабати билан чин дилдан табриклаб, ижодий ишларига барака ва мустаҳкам саломатлик тилаймиз.

*Турназар БЎТАЕВ, Ёвон ноҳияси.*




## √ Мухлиснинг самимий сўзлари... ======

# КЎНГИЛЛАРГА НУР УЛАШИБ...

Рўдакий ноҳиясида ўтказилган ижодкорлар йиғилишида Омон ака кўринмади. Алиқул акадан: -Шоир акам нега келмадилар? -дея сўраганимда, -Яқинда акахоннинг муборак юбилейи бўлиб ўтиши керак. Ноҳия ҳукумати шоиримизнинг тадбирини ўтказиш тараддудида. Шу боис, иштирок этолмаганлар,- деган жавобни эшитдим.

Яхши ният, эзгу иш. Агар ноҳия ҳукумати шоирга шунчалик эҳтиром кўрсатиб, хайрли ишга қўл урар экан, ташаккурлар бўлсин.

Омон Ражаб тилшунос эмас, аниқроғи, филологияда ўқимаган, журналист ҳам эмас. Аммо унда шоирона қалб, ҳаётнинг оддий одам кўзига кўринавермайдиган қирраларини кўра олиш қобилияти, ўз фалсафий дунёси, теварак-атрофга теран боқишлари, иқтидори кучли - киши. Омон ака шоирликни халққа хизмат қилиш, деб тушунади. Ҳаёт зиддиятларга бой эканлигини яхши англаб етиб, ранг-баранг мавзуларда ашъорлар битади.

**Қамчилаб, елдириб**
**ақл отимизни,**
**Ҳақиқат мулкига етамиз**
**бир кун.**
**Сўнг хижил тортамиз**
**бир-биримизни,**
**"Душман" деб кўролмай**
**юрганимиз чун.**

Омон ака билан 1991 йил танишган эдик. Келбатли, жуссаси йирик навқирон йигитнинг бургут каби кўзлари одамни сеҳрлар, қисқача суҳбатимиздан ўзгача таассурот олганлигим рост. Маънавиёти теран, маърифати юксак инсон йиллар оша кўплаб асарлар муаллифи сифатида танилди. Ихлосмандлари сафи тобора ошаверди. Асарлари севиб мутолаа қиланарди.

Омон Ражабнинг "Муқаддас чизиқ", "Бўл иттифоқ", "Ситора - ситора мемонад", "Сўнгги додхо", "Мағрур дунё", "Бобомаконда", "Чўғ", "Қорлиқлар" ва бошқа битиклари ўзбек адабиётига қўшган буюк ҳиссасидир.

Орадан неча йиллар ўтди. Биз бошқа учраша олмадик. Аммо устознинг ашъору насрий асарларини топиб ўқишга муяссар бўлардим. Мазкур битиклар одамни маънавий оламга етаклар, кўпгина инсоний сифатлару тарбиявий ахлоқлар ҳақиқий мактаб ролини ўйнарди. Кейинчалик Омон ака ҳақида икки оғиз кўнгилдаги гапларни битиб, шахсий архивимда сақлаб юрардим. Омон ака билан орадан сал кам 23 йилдан сўнг, кўришиш насиб этди. Энди у киши улғайган, нуроний юзида кексалик аломатлари зуҳур этиб турган, тийрак нигоҳларидаги ўша-ўша меҳр ўз аксини йўқотмаган эди. Энди биз сира ажралмас, то йиғилишларимиз поёнига етгунга қадар, то тарқалиб, ҳар ким ўз гўшаси томон жўнаб кетмагунча бирга бўлардик. Чунки Омон ака жуда ҳам дилкаш инсон, ҳар бир сўзини ақл тарозисига тортиб, мантиқли иборалар билан сўз қотарди.

Нақадар кучли ҳофиза, юксак билим ва дунёқараш эгаси эканлигини қалбдан туяман учрашувларимизда. Шоирнинг кучли билими борлигини "Чўғ", "Бўл иттифоқ", "Мағрур дунё" каби асарларида яққол сезиш, ҳис этиш мумкин.

Инсон умри қанчалик юксалаверса, шунчалик босиқ, ақлу идроки теран ва қуёш мисол кўнгилларга илиқ нур таратавераркан. Бу - билим, заковат, меҳр-мурувват ва яна аллақандай яқинликни ифода этувчи - зиё нуридир.

Шоир Омон Ражаб бутун умри давомида изланади, куюнади, изтироб чекади. Лекин барча заҳматларни енгиб хуррам яшайди. Чунки у замон фарзанди, жисмида давр қони бор, қон билан томирларда оққан тафти бор, дармони бор.

**Она ерим - менинг каъбам,**
**сажда этаман,**
**Кийдиришга мангу яшил**
**қабо излайман.**
**Олам, одам вужудида битмаган дард кўп,**
**Мен ҳакимман, шу дардларга даво излайман.**

Шоир кўп изланади, ижод қилади, ҳормайди.

Устоз Омон Ражаб, нафақат, жонажон Тожикистон, балки Марказий Осиёда, жумладан, Ўзбекистонда ҳам маълуму машҳур. Дунё турк халқлари ассамблеяси қизғин табриклаб, унинг янги битилган "Бобомаконда" достонини Чимкент шаҳрида босмадан чиқарди.

Бундан ташқари Омон Ражаб ўзбек ва тожик халқлари азалий дўстлигини, ҳамжиҳатлигини тараннум этиб, яқинда яна бир битигини тугаллади. Мазкур асар Тожикистон дўстлик ва хорижий мамлакатлар билан маданий алоқа жамиятининг раиси Сайдулло Хайруллоев ташаббус ва хоҳишига биноан рўёбга чиқди.

Омон Ражаб 1990 йилдан буён Тожикистон Республикаси Ёзувчилар иттифоқи аъзоси.

Устознинг китоблари - кўп. Ўзини ижодсиз тасаввур этолмайди. Барча асарларида инсоннинг ботиний дунёси унсурлари фалсафий бўёқларда ранго-ранг тасвир этилади. Ўқувчи бир олам маънавий озиқ олади. Теран тафаккур, мушоҳадалар - поёнсиз. У кишида дунёқараш ниҳоятда кучли. Одамларнинг уни севишлари ҳам ана шунда. Кимки бир бор суҳбатда бўлса, сўзларининг ширин таъми қалбида муҳрланиб қолади. Тасвирига баъзан сўз тополмайсан, киши.

Оддий, дилкаш, ботиний олами тўла "жавоҳирот сандиғи". Ҳақли равишда ифтихор этгуликдир, устоз. Зеро, бизнинг ноёб Омонимиз бор. Қуйма шеърларида тинчлик, дўстлик, вафо, садоқат, самимият, соғинч, мурувват, олқиш, бирлик, интилиш каби гуманизм ғоялари ўз ифодасини топган.

Баралла айта оламиз. Омон акамиз - чинакам ғуруримиз, ифтихоримиз. Бахтимизга ҳамиша Хўжамўмин тоғидек виқорли ва салобатли бўлинг. Чўнг қоялардек мағрур, довруғингиз кўкларга етсин!

*Қорахон ТУРСУНОВ, Восе ноҳияси.*



*Шоирнинг 70 йиллик юбилейи. Суратда (чапдан) Ёвон ноҳияси собиқ раиси Саъдулло Бекназаров, шоирлар Ўлмас Жамол, Омон Ражаб ва ёзувчи Кароматулло Мирзоев. 2012 йил, Ёвон ноҳияси.*

# Қўй, юрай юрган йўлимда...

*Омон Ражаб ғазалига мухаммас*

***Гарчи йўл сўнгида кимса менга интизор эмас,***
***Гарчи бу йўл мушкул эрур, гарчи момиқ ё қор эмас,***
***Майлига меҳнатталабдир, ё ёвар ҳам бор эмас,***
***Қўй, юрай юрган йўлимда, гарчи у ҳамвор эмас,***
***Рост эмас тақдир каби, аммо тилакка тор эмас.***
***Ҳеч киши адашмади эл қатида тулпор суриб,***
***Балки етди мақсадига аҳдида собит туриб,***
***Энг осон йўлни қидирган афсус қилар сўнг ўлтириб,***
***Эски деб, камситма қадрин, устида ўсдим юриб,***
***Янги деб, берган йўлингда куйди дил, даркор эмас.***
***Ҳар нокас, ҳар ётга эргашиб адашмоқлик нечун?***
***Сарвату обрў йўлида бадном бўлмоқлик нечун?***
***Ё қиморбоздек борин ўйинга тикмоқлик нечун?***
***Нотаниш йўлларда санқиб, бош суқиб юрмоқ нечун?***
***Нотаниш йўлларга бахтин боғлаган ҳушёр эмас!***
***Минг машаққат сўнгида инсон тополгай эзгу бахт,***
***Сен ҳам, эй дўст, танлагил ҳақ йўлни, қилмагил ғалат,***
***Булҳаваслик оқибати қилмасин сени хўп карахт,***
***Эски йўл гарчи беролмас истаган кўнгилга тахт,***
***Менга парча бахт керакдир, дил тахтга зор эмас.***
***Тавба, деб тинмай очунда олга интилмоқдамен,***
***Во ажаб, йўл охирин ўйлаб, нидо қилмоқдамен,***
***Гар Омонулло адашса, тут қўлин демоқдамен,***
***Оталар юрган бу йўлда тебраниб бормоқдамен,***
***Ушбу йўл оғушида ўлмоқ Омонга ор эмас.***

***

***Кел эй, дўстим, бу гулшанни томоша айлагил аста,***
***Кўрурсан неча гулгаштлар ва жонли турфа гулдаста.***
***Бу - ўзбек назми гулшани ва халқнинг шараф шони,***
***То бордур кимнинг имкони, кезарлар даста-ю даста.***
***Бу гулгаштлар бири - раъно, бири - сафсар, бири - райҳон,***
***Ки турфа ҳид таратгайдир, бўлур фикратинг ораста.***
***Бу гулшан умри боқийдирки, бош гулкор Навоийдир,***
***Бобур, Машраб, Муқимийдир дуода қўли пайваста.***
***Бу гулгаштлар ижодкори бири - Эркин[1], бири - Ўлмас[2],***
***Бири - Неъмат[3] ва ўнлаб шоиреки, қадди барваста.***
***Омон гулгашт бино қилди, борин унга фидо қилди,***
***Бугун гуллар жило қилди - тўлиб кетмиш жавон-раста.***
***Бу гулгашт гуллари аъло, бебаҳра қолмангиз илло,***
***Шоир дўстинг Омонулло қутлар илкида гулдаста.***

*Омонулло ОЛИМОВ, Ёвон ноҳияси.*

1. Эркин Воҳидов - ўзбек адабиётида аруз вазнини қайта йўлга қўйган шоир.
2. Ўлмас Жамол - тўрт шеърий девон соҳиби.
3. Неъмат Иброҳим - соҳиби девон, шоир.

## Сўраган эдингиз...



**Саволларингизни SMS орқали қуйидаги телефонларга жўнатинг: 2-38-50-30, 2-38-53-36, 93-721-00-20.**

# БУ ЙИЛГИ ҲАЖ САФАРИ ХИЗМАТ ҲАҚИ ҚАНЧА?

***САВОЛ:***

- Ҳурматли редакция ходимлари!

Айни кунларда жуда кўпчиликни қизиқтираётган бир саволга жавоб берсаларингиз дегандим. Яъни бу йилги ҳаж мавсумида кўрсатиладиган хизмат ҳақи борасида маълумот берсаларинг.

*Ҳурмат билан: Муҳаммадали Олимов, Турсунзода шаҳри.*

***ЖАВОБ:***

- Тожикистон Республикаси Ҳукумати ҳузуридаги Дин ишлари, миллий анъана, тантана ва урф-одатларни тартибга солиш комитети ҳамда Тожикистон Республикаси Ҳукумати қошидаги Монополияга қарши хизмат биргаликда 2017 йилги ҳаж мавсуми хизмати ҳақини 32 минг 671 сомони-ю 89 дирам, дея белгилади.

Тожикистон Республикаси Ҳукумати қошидаги Дин ишлари, миллий анъана, тантана ва урф-одатларни тартибга солиш комитетидан маълум қилишларича, самолёт бориш-келиш билети, Масжидул-Ҳарамдан атиги бир километрда жойлашган меҳмонхонанинг 4-6 кишилик ҳужралардаги, Мадинаи Мунавварадаги меҳмонхона 4 кишилик ҳужрасидаги истиқомат, Макка ва Мадинада 3 марталик, Мино, Арафот, Муздалифада овқат, гуруҳни тажрибали тилмоч-йўлбошловчи, Минода совуткичлар билан жиҳозланган ўтовлар билан таъминлаш, Қурбонлик сўйиш, Минода енгил кўрпа-тўшак, болиш билан таъминлаш, Жидда-Макка-Мино-Арафот-Муздалифа-Мино-Макка-Мадина йўналишида автобуслар ташкил қилиш, Саудия Арабистонидаги хизмат кўрсатувчи ширкатлар тўловини тўлаш, Макка ва Мадина шаҳарларида дастлабки тез тиббий ёрдам кўрсатиш нуқталарини ташкил этиш, бейжиклар ва ҳажга оид маълумотномалар, китоблар билан таъминлаш, ҳожиларнинг Ватанга қайтишида 5 литр Замзам суви, катта-кичик сумкалар билан таъминлаш, авоид - подшолик божини тўлаш ушбу хизмат сирасига киради.

Эслатиб ўтиш лозимки, бу йилги доллар қурбининг кўтарилиши ҳаж хизмати нархига ўз таъсирини ўтказгани йўқ. Бироқ долларнинг миллий валютага бўлган таъсири юзасидан Саудия Арабистони авоид - подшолик божини 52 долларга оширди.

***Тожикистон Республикаси Ҳукумати қошидаги Дин ишлари, миллий анъана, тантана ва урф-одатларни тартибга солиш комитети матбуот хизмати.***

**Қутлов**

# ФАЙЗЛАРГА БУРКАНГАН ИЖОДКОР

… Адиба Гулчеҳра Сотиболдиевани доимо ижод устида топасиз. Қачон қараманг, оқ қоғоз устида қаламини бедов отдек чоптириб, нималар ёзаётганини мушоҳада қиласиз. Ва ҳадемай, мириқиб мутолаа қиладиган асарлари янги китоби билан барча танишу нотанишни ҳайратга солиб қўяди. Ва беихтиёр: - Баракалла, так держат!, - деб юборганингни сезмай қоласан, киши. Аҳсан!

Рўдакий ноҳиясининг сўлим Гулпарвар қишлоғида 1964 йилнинг 26 майида таваллуд топган Гулчеҳра Сотиболдиева барча қатори ўрта мактаб, сўнгра олий ўқув юртида таҳсил олган. Жуда ёшлигидан ижодга меҳр қўйган Гулчеҳрахон гарчи узоқ йиллар турли таълим муассасаларида болажонларга тил ва адабиёт фанларидан дарс айтган бўлса-да, ижодга бўлган меҳри алалоқибат уни Тожикистон Қаҳрамони Бобожон Ғафуров, адиб Ҳожи Содиқ, соҳиби девон Ўлмас Жамоллар камол топган муҳарририят "Халқ овози" газетаси сари етаклади. У бу ерда редакция топшириқларини бекаму кўст бажариш билан бир қаторда икки китобга етгулик асарлар ёзиб, элга тақдим этди.



Г. Сотиболдиева асарлари оммабоп. Зеро, у мавзуни ҳам, бош ғояни ҳам халқдан олиб, яна халқнинг ўзига беради. Ижтимоий масалалар, уй-рўзғордаги муаммолар, севишганлар орзу-армони Гулчеҳрахон қаламида қайта тасвирланиб, ўқимишли ва севимли асарларга айланиши адибанинг юксак маҳоратидан дарак беради, албатта.

"Халқ овози" газетаси - муқаддас даргоҳ. Бу ердаги муҳитнинг ўзи кишининг маънан юксалишига сабаб бўлиши аниқ. Шояд, Гулчеҳрахондаги юксалишларнинг бир сабаби ҳам улуғлар қадамжоси ушбу муҳарририятда садоқат билан қилаётган хизматидадир. Зеро, улуғларга бўлган ҳавас, улар босиб ўтган йўлдан боришга интилиш, улар шахсиятига эҳтиром кишига илҳом ва файз бағишлайди.

Май ойининг файзли айёмида дунёга келган Гулчеҳра Сотиболдиева бугунги кунда тинимсиз ва машаққатли ижод қилаётгани, шубҳасиз. Ҳозирча мазмун-муҳтавосини биздан сир тутаётган нашр этилажак асарини, эҳтимол, "Файзли онлар", дея номлар. Зотан, адиба ҳаётининг ҳар лаҳзаси ва ҳар они файздан иборатлигига шубҳамиз йўқ!

*"Халқ овози" газетаси ижодий жамоаси.*

**Бозор ва ҳаёт**

# ИНСОФ ИЗЛАБ БОЗОРГА БОРМАНГ

## Ёхуд муборак Рамазон ойи арафасида бозорлардаги нарх-наволар хусусида

Яқинда Раъно Қирғизбекова деган танишим Москва шаҳридан келди. У киши меҳнат таътили пайтида Россияда яшаётган ўғли, келини ҳамда неварасини кўриб қайтди. Танишимдан сафар таассуротлари ҳақида сўраганимда, Москва шаҳрининг гўзаллиги, меҳнат муҳожирларининг муаммоларидан гапира туриб, россияликларнинг ажойиб бир анъанасидан завқланганлигига алоҳида тўхталди:

- Москва шаҳрига сафарим русларнинг Пасха байрамига тўғри келди, - дейди Раъно опа. - Мен байрам арафасида барча магазинлардаги маҳсулотлар чегирма (скидка) нархда сотилишидан ҳайратга тушдим. Айрим озиқ-овқат маҳсулотлари 50 фоизгача чегирма билан сотилаётганлигидан бозорларимиздаги соҳибкорлар ибрат олишса, арзир экан, деб ўйладим…

Барчамиз учун муборак Рамазон ойи арафасида Душанбе шаҳри бозорларидаги нарх-наволар билан танишишни мақсад қилиб, йўлга тушдик. Маршруткада пул тўплайдиган ва қилаётган юмуши ўзига ярашмайдиган ғўлабирдай йигит баланд овозда ҳамманинг диққатини тортаётганди:

- Эшитдилорингми, картошка 7 сомонийга чиқибди, - дерди у ўзини билағон тутиб. - Энди картошканинг ўрнига гўшт ейиш керак. Уч кило картошканинг пулига бир кило гўшт беришади.



Жамият транспортида кетаётган аёллар бозорлардаги нарх-наволарнинг кескин кўтарилиб кетиши сабабларини ўзларича шарҳлашга тушдилар.

Душанбе шаҳрининг айрим бозорлари, маҳаллалар бозорчаларидаги нарх-наволар унчалик фарқ қилмасди. Барча бозорларда фаровонлик кўзга ташланарди. Фақат бозорларимизда бир нарса - инсоф жуда тақчил эди.

"Хўжанд - Душанбе" автомобил йўлига баҳорнинг дастлабки ойида тушган қор кўчкилари ва йўлнинг икки ҳафталар давомида яхши фаолият қилолмаганлиги натижасида бозорларда картошканинг нархи кескин кўтарилиб кетганди. Ўшанда истеъмолчилар буни тушуниб, тўғри қабул қилишди. Аммо картошка нархининг кўтарилиши бошқа маҳсулотларга нарх қўйишда эталон вазифасини бажариб қолганлиги аянчли эди.

Энди йўллар очиқ. Янги картошканинг пештахталарда кўриниб қолган бўлишига қарамай, ҳамон бу маҳсулотнинг нархи истеъмолчини "чақади".

Картошка нархи Душанбе шаҳри бозорларида 5 сомонийдан 6 сомонийгача сотилмоқда. Янги чиққан картошка, асосан, 4 сомоний 80 дирам - 5 сомоний.

Гўшт кейинги икки-уч ҳафта ичида 7-8 сомонийга қимматлашди. Айни пайтда Душанбе шаҳри бозорларида мол гўшти 37-38 сомонийга баҳоланмоқда. Гўштнинг нархини кўриб, маршруткада пул йиғадиган бўз бола: - "Картошка ўрнига гўшт ейман", - деб хомтама бўлмадимикан, деган ўйга бордим. Бу нархлар ҳали Рамазон ойи кириб келишига тўлиқ икки ҳафта қолган пайтдагиси. Энди инсофни сотувчиларга берсин, ишқилиб. Рамазон ойида аҳолининг озиқ-овқат маҳсулотларига талаби ошиши табиий. Сотувчилар эса, ўша кунларни кутиб, бир нарсага эга бўлиб қолиш учун "енг шимаришмоқда". Агар шундай бўлмаса, нега бозорлардаги нарх-наволар ҳозирданоқ "дакка урмоқда"?



Икки ҳафта бурун Восе ноҳиясига сафарга чиққандик. Қишлоқларда тут роса пишган экан. Қайси ҳовлига кирманг, пишган тут "кўрпа бўлиб" тўкилган. Ўтирмасингиздан уй эгаси олдингизга ош ейдиган лаганларда тут олиб келади. Битталаб тут ей десангиз, уй эгаси:

- Ош қошиқда олинг, бу йил тут яхши бўлди, Худо баракасини берган, - дейди.

Шаҳар бозорларида тутнинг бир килограмми 7-10, қулупнай - 12-15, гилос - 10-15, бодринг - 2,5, помидорнинг килограмми 5-6 сомоний сотилмоқда. Қиш пайтида кўкатнинг уч боғлами бир сомоний сотилган бўлса, май ойининг ўрталарида ҳам боғламлар сони ўзгарган эмас. Устига-устак, боғламлар тобора "озиб" бораяпти.

Тошбосди чукрининг нархи билан қизиқаман.

- Сизга арзон нархда бераман, раис, - дейди кўринишидан бозорга энди чиққанлиги билиниб турган корчаллон. - Бошқалар учун килограмми 22 сомоний, сизга - 20 сомонийдан.

Сотувчининг қопидаги чукри камида 30 килограммдан кўп келади. Демак, у маҳсулотини айтган нархда сота олса, харажатларидан ташқари камида 500 сомоний фойда олади.

Ҳа, бозорларимиздаги нарх-наволар чўтини кўриб, бу йил ҳам Рамазон ойида дастурхонларимизни тузаш осон кечмаслигини сезамиз.

Мамлакатимиз раҳбарияти мунтазам тадбиркор, соҳибкор ва корчаллонларни инсофга чақириб, нарх-навони оширмасликка даъват этишларига, масжидларимизда имом-хатиблар бозорда ўтириш масъулияти ҳақида бот-бот амри маъруфлар қилишларига қарамай, афсуслар бўлсинким, ҳамон бозорда инсоф анқонинг уруғига айланиб бормоқда.

Бозорчиларимиз эса, ҳозирданоқ Рамазон ҳайитида нарх-наволар ошишини кутиб яшашмоқда. Афсус…

Излаганимиз - инсофни бозордан топа олмай, тушкун ҳолда уйга қайтар эканман, Москва сафаридан қайтган Раъно опанинг гапларини эслайман:

- Ҳар ҳолда, русларда инсоф бор. Байрам арафасида улар барча маҳсулотлар нархига чегирма қўйиб сотишади. Бизникилар улардан ўрнак олишса, арзийди…

Зора…

***Искандар МАҲМАДАЛИЕВ, "Халқ овози".***

**Халқлар дўстлиги мадҳи**

# САНЪАТНИНГ ЭЗГУ РИСОЛАТИ

16 май. Соат кечки 17:30…

Пойтахтимиздаги муҳташам санъат саройларидан бири бўлган Акашариф Жўраев номли Тожикистон Давлат филармонияси.

Одам гавжум: кекса отахону онахонлардан тортиб, барно қизлару йигитлар - санъат шайдолари, куй-қўшиқ мухлислари…

Буларнинг барчаси катта бир концерт дастурини томоша қилиб, санъат сеҳридан баҳра олишга тўпланишган. Бу одатий бир тадбир бўлмай, балки тожикистонлик ўзбек санъаткорлари концерти эди…

Зал мухлислар билан тўлиб, саҳнага кўрк бағишлаб турган парда йиғилганларнинг гулдурос қарсаклари остида секин-аста очилди. Карнай-сурнай, доира садо бера бошлайди. Дастлаб йиғилганларга кўтаринки кайфият бахш этувчилар - "Садои Душанбе" гуруҳи созандалари бўлди.

Бошловчилар мазкур концерт дастури Тожикистон Республикаси Маданият вазирлиги ҳамда Акашариф Жўраев номли Тожикистон Давлат филармонияси ташаббуси билан Миллий бирлик байрамининг 20 йиллиги ва 2017 йилнинг Ёшлар йили, дея эълон қилиниши, шунингдек, тарихи асрларга туташ тожик-ўзбек халқлари маданий алоқаларини мустаҳкамлаш мақсадида ташкил этилганлигини таъкидлаб ўтдилар. Ҳа, концерт дастурининг номи ҳам бўлакча - "Меҳр оқшоми". Азалий дўстлик, куй-қўшиқ, меҳр-муҳаббатга йўғрилган меҳр кечаси. Бу маданий тадбирни яқинда Тожикистонда бўлиб ўтган Ўзбекистон маданияти кунларининг узвий давоми ҳам дейиш мумкин. Лекин бу концертда қўшни мамлакат санъаткорлари эмас, балки севимли Ватанимиз - Тожикистонда яшаб, қондош халқлар дўстлигини тараннум этиб келаётган қўшиқлари-ла ўз мухлисларига эга бўлган ўзбек ва тожик тилларида куйловчи санъат аҳли - Тожикистон Халқ артистлари Мастона Эргашева, Афзалшоҳ Шодиев ва хушовоз хонандалар Машрабхон Қаландаров, Ашраф Маҳмудқулов, Набижон Имомов, Умар ва Қурбон Ҳамдамовлар чиқиш қилишди.



Булар орасида ўзининг ширали овози билан минглаб санъат шайдолари кўнглидан жой олган, қўшиқларни ўзбек ва тожик тилларида маромига етказиб ижро этадиган хонанда - Тожикистон Халқ артисти Мастона Эргашевани танимайдиган киши бўлмаса керак. Унинг чиқиш қилиши бу концертга ўзгача бир файз бағишлади. Машрабхон Қаландаров ва Ашраф Маҳмадқуловлар томонидан ижро этилган классик ашулалар ҳам куй-қўшиқ ихлосмандлари томонидан давомли қарсаклар билан кутиб олинди. Набижон Имомов, Умар Ҳамдамов, Қурбон Ҳамдамовларнинг шўх қўшиқларига залдагилар ҳам жўр бўлиб, рақсга тушишди.

Айниқса, Тожикистон Халқ артисти Афзалшоҳ Шодиев томонидан айтилган тожик ва ўзбек тилларидаги қўшиқлар, жумладан, устоз шоир Ўлмас Жамол қаламига мансуб "Икки тилли бир халқ васфига" номли ғазал ижроси бу концерт дастурининг энг ажойиб номерларидан бири бўлди.

Ёнимда ўтирган бир киши шундай дейди:

-Бу концерт бўлиши ҳақида бугун эшитдик. Кеч эшитишимизга қарамай, оиламиз билан келдик. Бундай концерт дастурини, айниқса, юртимиздаги ўзбек санъаткорларининг биргаликдаги концертини томоша қилиш бизга жуда завқ бағишлаяпти.

Тожикистонлик ўзбек санъаткорлари иштирокидаги концерт Акашариф Жўраев номли Тожикистон Давлат филармонияси директори, Тожикистон Халқ артисти Афзалшоҳ Шодиев ташаббуси билан ташкил этилган экан. У кишидан мазкур концертни ташкил этиш ташаббуси билан чиқишига нима туртки бўлганлиги ҳақида сўраганимда, шундай жавоб берди:

-Албатта, бугунги концерт юртимиздаги тинчлик ва осойишталик, қолаверса, Тинчлик ва миллий бирлик асосчиси-Миллат пешвоси, Тожикистон Республикаси Президенти муҳтарам Эмомали Раҳмон томонидан олиб борилаётган халқпарвар сиёсат самарасидир. Бундан ташқари, яқинда, 10-13 май кунлари Тожикистонда Ўзбекистон маданияти кунлари бўлиб ўтди. Унда қўшни мамлакатнинг кўплаб таниқли санъаткорлари, жумладан, Ўзбекистон Халқ артисти Ғуломжон Ёқубов, Севинч Мўминова, Илёс Арабов ва бошқа бир гуруҳ хонанда, раққосалару созандалари юртимизга ташриф буюришган эди. Бу маданият кунлари жуда олий даражада ўтди. Мана шу ишлар давоми сифатида мен ҳам Акашариф Жўраев номли Тожикистон Давлат филармониясида тожикистонлик ўзбек санъаткорлари иштирокидаги концерт дастурини ташкил этдим. Чунки биз шу Ватандаги ўзбек биродарларимиз билан ёнма-ён яшаб, меҳнат қиламиз. Улар учун ҳам концерт дастурлари ташкил этиш бизнинг вазифамиз саналади. Энди бундай концертларни кўплаб ташкил этамиз.

Концерт иштирокчиларидан бўлган ҳофиз Машрабхон Қаландаров тадбир ташкилотчиларидан миннатдор эканлигини айтди: -Биз тожикистонлик ўзбек санъаткорлар учун шундай бир ажойиб концерт беришга имконият яратиб берган кишиларга, хусусан, Тинчлик ва миллий бирлик асосчиси-Миллат пешвоси, Тожикистон Президенти муҳтарам Эмомали Раҳмон Жаноби олийларига ўз миннатдорчилигимни билдирмоқчиман. Бугунги концерт мухлислар учун кутилмаган совға бўлди, десам муболаға бўлмайди. Чунки тожикистонлик ўзбеклар, қолаверса, тожик биродарларимизнинг ҳам бугунги концертдан завқланиб, жуда хурсанд бўлганликларини концерт давомида ҳам ҳис қилиб турдик…

Ҳақиқатдан ҳам, қалбларга шодлик улашувчи дилрабо куй-қўшиқлар, дилтортар наволар ва мафтункор рақсларга бой бўлган концерт дастури чинакам санъат байрамига айланди.

***Зуҳриддин УМАРОВ, "Халқ овози".***

# БИЛИМДОНЛАР БУРЧАГИ



**Ҳурматли билимдонлар!**

**Саволлар газетамизда мунтазам бериб борилмоқда. Бир ой давомида тўғри жавоб йўллаб, туҳфамизни қўлга киритинг.**

**1.** Музей экспонатларининг бирида шундай ёзув ёзилган: - "Мен қачонлардир ўрмонларда яшаганман, ҳаётлик чоғимда жим турганман, ҳозир ўликман, лекин ширин куйлайман". **Қандай экспонат ҳақида гап кетаяпти?**

**2.** Машҳур юнон файласуфи Диоген ўзига берилган саволларга кутилмаган ва бетакрор жавоб бериши билан ном қозонган. Ундан қайси давлат фуқароси эканлиги сўралганда, у шундай жавоб берганки, унинг жавобини бугунги кунгача кўпгина сиёсатчилар такрорлаб келишади. **У нима деб жавоб берган?**

**3.** Негадир ғозларнинг, айнан, ўнг қанотлари XX асргача жуда қадрланган. **Бунинг сабабини айтинг.**

**4. Бедана нега дарахтга ёки симга қўнмайди? Сабаби нима?**

**5.** Жак-Ив Кусто кўп йиллик тадқиқотлари тугагач, ер сайёрасининг номини бошқа ном билан аташни таклиф этади. **Қандай ном?**

**Ҳурматли билимдонлар!**

**Газетамизнинг 20 апрелда чоп этилган 16-сонидаги саволларга муштарийларимиз томонидан йўлланган SMSларнинг барчасида ҳам тўғри жавоб кўрсатилмаган. Эслатиб ўтамиз, саволларнинг барчасига тўлиқ ва мукаммал жавоб йўллаган газетхонларгина туҳфа соҳибига айланишлари мумкин.**

**Энди эса, тўғри жавоблар билан танишинг:**

*1. 80 дақиқа бир соату 20 дақиқага тенг. Оқ халат сизларни чалғитиш учун берилганди.*

*2. "Дунёдаги энг қурумсоқ киши", деб ном олган аёлнинг исми Генриетта Хоулэнд Гетти Грин эди.*

*3. Қор, лой ва бошқа жисмлар белгининг ёзувини беркитиб қўйса ҳам, саккиз бурчак орқали STOP белгиси эканлиги маълум бўлади.*

*4. Тўққизинчи ой - сентябр лотинчасига етти-centem, ўнинчи ой - октябр лотинчасига саккиз-okto, ўн биринчи ой ҳам лотинчасига novem, яъни тўққизинчи деган маънони билдиради. Таъриф ойларга берилмоқда эди.*

*5. Бармоқлар учи.*

**Ҳурматли муштарийлар!**

**Тўғри жавобни 93-343-22-73 телефон рақамига ёки abdurazokova@bk.ru электрон почтасига SMS орқали юборишингиз мумкин. Жавоб йўллаш муддати - бир ой.**

**Тожикистон Республикаси Ҳукумати нашри - «Халқ овози» газетаси Бош муҳаррири Ёқубжон Абдуманонзодага бобоси**

**АБДУМАННОН ҲОЖИ БОБО**

**оламдан ўтганлиги туфайли чуқур ҳамдардлик баён этамиз. Бу мусибатли кунларда марҳумнинг қариндош-уруғлари, яқинларига Аллоҳдан сабру бардош тилаймиз. Илоҳо, ҳожи бобонинг охиратлари обод бўлсин.**

*«Халқ овози» газетаси жамоаси.*

**ХАЛҚ ОВОЗИ**

«Овози халқ» - бо забони ўзбекӣ. Нашрияи Ҳукумати Ҷумҳурии Тоҷикистон.

«Голос народа» - на узбекском языке. Издание Правительства Республики Таджикистан.

Учредитель: Правительство Республики Таджикистан

Регистрационный номер 13 р-106.

**Бош муҳаррир Ёқубжон АБДУМАНОНЗОДА**

ТЕЛЕФОНЛАР:
Қабулгоҳ - 2-38-54-02.
Бош муҳаррир ўринбосари - 2-38-53-36,
котибот - 2-38-50-30, бухгалтерия - 2-38-55-70.

Манзилимиз: 734018, Душанбе шаҳри, Саъдий Шерозий хиёбони, 16.

**Таҳрир ҳайъати:**
*Раҳмон Озода Эмомали* - ТР Президенти Ижроия аппарати раҳбари
*Абдужаббор Раҳмонзода* - ТР Президентининг ижтимоий тараққиёт ва жамоатчилик билан алоқалар масалалари бўйича ёрдамчиси
*Ўлмас Жамол* - шоир
*Эркин Шукуров* - бош муҳаррир ўринбосари
*Искандар Маҳмадалиев* - масъул котиб
*Гулфинур Аюпова* - бўлим муҳаррири
*Абдулло Саидов* - бўлим муҳаррири

Газетада босилган материаллар, эълонлар ва рекламалар учун муаллиф жавоб беради. Таҳририят фақат асл нусхаларни қабул қилади. Редакцияга келган қўлёзма ва суратлар тақриз қилинмайди ва муаллифларга қайтарилмайди. Таржималар таҳририят топшириғи билан қабул қилинади. Редакция фақат компютерда Times New Roman Tj -14 гарнитурасида терилган мақолаларни қабул қилади.

*Навбатчилар:*
*1. Э. Шукуров. (1-4 саҳ.)*
*2. А. Мирзааҳмедов. (5-8 саҳ.)*
*Чоп масъули: З. Умаров.*

Электрон почтамиз: Halkovozi1929@mail.ru
Сайтимиз: http://khalkovozi.tj/

Газетамизда чоп этилган мақолалар учун қалам ҳақи фақатгина СИН - Ижтимоий шахсий рақами мавжуд муаллифларга берилади.

СИН рақами олиш учун доимий иш жойидаги ҳисобчига мурожаат этиш лозим.

Редакциянинг қалам ҳақини почта орқали жўнатиш имконияти чекланган.

Босишга рухсат этилди: 24 май соат $16^{00}$ Тиражи 6103 нусха.

Газетанинг сотув нархи - эркин.

Газета отпечатана офсетным способом в типографии ИПК «Шарки озод», пр. Саъди Шерози, 16. Индекс 68876.